Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 18 октябрь, чоршанба • № 82 (10.758) • Эркин нархда сотилади

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Шу йил 9—13 октябрь кунлари Бухарест (Руминия)да Парламентлараро Иттифоқнинг 94-конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг парламент делегацияси иштирок этди. Конференцияда Ўзбекистон делегациясининг раҳбари Олий Мажлис Раиси Э. Халилов нутқ сўзлади.

Вазирлар Маҳкамасида

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ КЕРАК

16 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасида давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мажмуининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен бошқарди.

Мажлисда вазирликлар, идоралар, бирлашмалар, концернлар, корпорациялар раҳбарлари, Қорақалпоғистон вазирлар кенгаши раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди. Республикада жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида иқтисодий, ислоҳотлар бозор иқтисодиётининг ёрдамчи соҳаларини шакллантириш ва хусусийлаштириш дастури қандай амалга оширилаётгани, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат корхоналарини очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорнинг бажарилиши кўриб чиқилди.

Мажлисда бу соҳада муҳим ютуқлар билан бир қаторда жиддий камчиликлар ҳам борлиги таъкидланди. Вазирликлар, идоралар, давлат қўмитаси ҳудудий органлари раҳбарлари бу камчиликлар учун шахсан жавоб бериши керак. Мажлис якунлари бўйича барча нуқсонларни тугатиш чоралари белгиланди.

(ЎзА).

Вилоят ҳаёти: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ЭЛЕКТР ЁРИТГИЧЛАРИ ЎЗИМИЗДАН

Электр лампалари рўзғор учун жуда зарур буюм эканлигини ҳамма билади. Илгари у Иттифоқнинг бошқа республикаларидан келтириларди. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, олдинги иқтисодий алоқалар сусайиши оқибатида бундай буюмлар камёб бўлиб қолди. Уни ишлаб чиқаришни зудлик билан йўлга қўйиш муаммоси пайдо бўлди. Муаммони эса пайсалга солмасдан ҳал қилиш лозим эди.

Бу ишга Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати жамоаси қўл урди. Орадан кўп вақт ўтмай бу ерда электр лампочкаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Мана, уч йилдирки, бу корхона тамғаси босилган ёритгичлар савдо шохобчаларида сотилмоқда, буюртмачиларга етказиб бериляпти. Дастлаб биринчи поток линияси ишга туширилган эди. Металлурглар бундай маҳсулотга талабнинг кун сайин ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, уни тайёрлайдиган қувватларни тинимсиз оширмоқдалар. Яқинда яна бир шундай линия ишга туширилди. Бу билан уларнинг сони тўрттага етди. Эндиликда ҳар куни корхонада ўн минглаб шундай ёртигичлар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳамма қувватлардан тўла фойдаланиш тайёрланаётган маҳсулот сонини ўн миллионтагача етказиш ва бу билан бутун республикани шундай ёруғлик манбаи билан таъминлашни кескин яхшилаш имконини беради.

М. ҲАМИДОВ.

«МАҲАЛЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ»

Шу кунларда бу шиор остида ўтказилаётган вилоят кўрик танлови Ўзбекистон республикаси Конституциясининг 3 йиллиги арафасида якунланади.

ЕШ авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол, билимдон, мустақил мамлакатимизнинг муносиб фарзандлари қилиб вояга етказишда мактаб ва маҳалланинг ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга. Зероки маҳалла — ватан ичра кичик ватан сифатида ўз худудида истиқомат қилаётган ҳар бир оиланинг турмуш тарзидан, аҳлоқий, маънавий муҳитидан хабардор. Мактаб эса ёшларнинг таълим ва тарбия масканидир.

Шу боисдан ҳам ёшларда республикамиз истиқлолини мустаҳкамлаш, Ватан учун сидқидилдан хизмат қилишни ўзининг муқаддас бурчи эканлигини чуқур англаш туйғуларини шакллантиришда Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси, «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси вилоят бўлими, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририятлари ҳамкорликда «Маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги» вилоят кўрик танловини ўтказишга қарор қилдилар.

Мазкур кўрик-танловда қатнашадиган маҳаллалар (туман ва шаҳарлардан биттадан номзод) фаолияти вилоят ҳакамлар ҳайъати томонидан «Имтиҳон»дан ўтганидан кейин, шу йил 1 ноябргача республика ҳакамлар ҳайъати муҳокамасига тақдим этилади. Кўрик-танловга 1995 йил ноябрда Ўзбекистон Конституциясининг 3 йиллиги арафасида якун чиқарилади.

Танлов шартларига кўра унда қатнашадиган маҳаллалар ўз худудида жойлашган мактаблар билан ҳамкорликдаги фаолиятларига доир тўлиқ маълумотни туман, шаҳар ҳакамларига тақдим этадилар. Унда маҳалла ва мактаб алоқаси, хотин-қизлар, ёш оилалар билан ишлаш, маъмурий идоралар билан маҳалла ўртасидаги муносабат, ибратли оилалар ютуқларини оммалаштириш каби йўналишлар ўз ифодсини топиши керак.

Вилоят кўрик-танлови ғолибларига биринчи ўрин учун 1500 сўм, иккинчи ўрин учун 1000 сўм, учинчи ўрин учун 500 сўм пул мукофотлари ажратилади.

ШИРКАТНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАРИ

ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги «Меҳнат» ишлаб чиқариш ширкати иккиламчи полимер маҳсулотларини тайёрлашни ўзлаштирди. Корхона меҳнат жамоаларида ишлатиб бўлинган ва ташлаб юборилаётган полимер чиқиндиларини тўплаб, ундан турли ҳажмдаги қувурлар ва полиэтилен пленкаларини ясамоқда. Ширкатнинг бу хилдаги маҳсулотлари сифатли ва арзон булгани сабабли нихоятда харидоргир бўлиб қолди. Корхона раҳбарлиги аҳолининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб шиша идишлари солинадиган пластик яшиклар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди. Бунинг учун алоҳида ўрин ажратилди. Қисқа вақт ичида 40 мингтадан кўпроқ ана шундай яшиклар ясалди.

Жамоа ишлаб чиқаришни тобора кенгайтирмоқда. Тикувчилик машиналари ва асбоб-ускуналари сотиб олиниб, болалар кийим-кечаклари тикиладиган цех очилди. Маҳсулотларнинг тури кўпайгани сабабли корхона шаҳарда ўз савдо уйини ҳам очди.

Р. ҚОДИРОВ.

Вилоят ҳаёти: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Тезкор матбуот гуруҳи хабар қилади

Матбуот штабининг телефонлари: 33-40-48, 33-64-95, 33-90-82, 33-02-92, 33-38-41, 39-12-93.

ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН

Бўка туманидаги С. Саймоқов номли жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил ҳам етиштирилган пахта ҳосилини ўз кучлари билан барвақт ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб олиб, режани муваффақиятли бажардилар.

ИШНИНГ омади ўз вақтида дейдилар. Бу доно халқ мақолини ўйлаганимизда ҳамиша мазкур хўжалик деҳқонларининг иш фаолияти кўз ўнгимизга келади. Бу бежиз эмас. Саймоқов номли жамоа хўжалигида деҳқончиликка оид ҳар бир иш, ҳар бир тадбир ўз вақтида бажарилади. Бу йил ҳам худди шундай бўлди. Пахтанинг С—6524 нави уруғлиги сараланди ва барвақт экиб олинди. Ернинг табиий намига ундирилди ва гектарларда кўчат бутланди. Ҳар туп ғўза эътиборда бўлиб, сифатли парвариш қилинди. Мўл ҳосил етиштирилди. Йиғим-теримга техникалар барвақт шайланди ва 20 сентябрдан бошлаб тўла ишга туширилди. Қишлоқдаги ишга яроқли барча аҳоли теримга сафарбар этилди. Кўл теримида қатнашганларга ҳар бир килограмм пахта учун 1 сўм 20 тийиндан, механизаторларнинг терган ҳар бир тоннаси учун 30 сўмдан ҳақ тўлаб турилди. Муҳими далада ишлаётганларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилди, уларга барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Шу туфайли иш унумли бўлди, терим суръати кундан кун кўтарилди. Натижада хўжалик 12 октябрдаёқ режани бажарганлигини маълум қилди. Ҳар гектардан олинган ҳосил 27 центнергдан ошди. Жами 1408 тонна пахта топширилди. Жалғаш Бўлатов, Абдулла Омонтоев, Шукур Нуралиев, Баҳриддин Ражабов, Пардали Имомов каби механизаторлар 60—80 тоннадан пахта териб топширдилар.

Хўжаликда бошқа соҳаларда ҳам яхши натижаларга эришилди. Ғалла тайёрлаш режасини ошириб бажарган деҳқонлар келгуси йилда яна юқори ҳосил олишга ҳам замин яратиб қўйдилар. 105 гектар майдонга ғалла барвақт экиб олинди.

— Қишлоқ хўжалиги йилини ҳар жиҳатдан муваффақиятли якунлаш учун далаларда ишни давом эттирмоқдамиз, — дейди жамоа хўжалиги раиси В. Мирзақулов, — яна камида 150 тонна пахта топширамиз. Ҳосилдан бўшаган далаларни шудгорлаш, кузги-қишки ишларни ҳам ўз вақтида ўтказиш учун барча тадбирларни кўряпмиз.

Ҳамиша илғор бўлиб келган Саймоқов номли хўжалик деҳқонлари илғорликни амалий ишлар билан оқламоқдалар. Ҳозирги эришилган натижалар, қилинаётган ишлар шундан далолат бермоқда.

Н. ИСАЕВ.

2255 ТОННАДАН ОШДИ

ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалигида давлатга пахта топшириш йиллик режаси 17 иш кунида бажарилган эди. Бу қувончли кундан буён пахтакорлар яна ҳар гектар майдондан 2 центнердан «оқ олтин» йиғиб олишиб, ҳосилдорликни 30 центнерга етказишди.

— Бу ютуққа эришишда ишдаги интизом, уюшқоқлик муҳим аҳамият касб этди,— дейди хўжалик бошқаруви раиси Фозил Маматқулов. — 785 гектар ердан жами 2255 тоннадан кўп пахта топширилди. Бунинг ярмидан зиёдроғи машиналарда, қолган қисми эса хўжалик теримчилари, ўқувчилар, чирчиқлик ва оҳангаронлик хашарчилар ёрдамида териб олинди.

Раис пахта йиғим-теримида сидқидилдан меҳнат қилганларни бирма-бир санаб ўтди. Бригада бошлиқлари Хотам Шодиев, Турсунмат Божоқов, Анвар Сафаров, Саидали Яраметов, Сафар Сотиболдиев, Ҳамидулла Бозоров, Ҳасан Абдураҳмонов, механизаторлардан Тўхтамурод Айтанов, Давлат Холматов, Боймат Турдибоев, Абдурашид Илёсбеков, Абдулла Ғойипов, теримчилар Фотима Тўрақулова, Ҳолбуви Бобошева ва бошқа кўплаб заршунослар мавсумда фидойилик кўрсатдилар.

У. ҲАМИДОВ.

«БЎСТОН» ҲАМ МАРРАГА ЕТДИ

БЎКА туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳам маррага етдилар. Улар 1100 гектар майдондан 2420 тонна ҳосил йиғиштириб олдилар. Машиналарда салмоқли пахта терилди. З. Валиев, О. Ўрозов сингари механик-ҳайдовчилар хирмонга 110-120 тоннадан хом ашё топширдилар. Хўжаликнинг Ю. Валиев, В. Бойтўраевлар бошлиқ бригадалари айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар. «Бўстон»ликлар яна камида 500 тонна пахта топшириш ва ҳосилдорликни 24 центнерга етказиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

ҲАММА ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДАМИ?

Куз фаслининг иккинчи ярми ҳам ўтиб боряпти. Миришкор, ишнинг кўзини билган деҳқонлар йилни муваффақиятли якунлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Асосий бойлигимиз пахта йиғим-терими ҳам якунланяпти. Сабзаворкорлар далалардан сўнгги килограммни йиғиштириб олмоқдалар. Ғалла мустақиллиги учун кураш авж олдирилган ҳозирги дамларда бу экиндан ҳам мўл ҳосил олиш учун шу кунларда замин яратилаётир. Ўтган йилларда бу соҳада эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчиликлардан сабоқ чиқарган ҳолда келгуси йилда улкан хирмон уйиш учун ҳамма имкониятлар борлиги ҳеч кимга сир эмас. Хўш, бу имкониятлар тўла ишга солиняптими? Вилоятимизда ғалла экиш қандай бормоқда?

Бу йил кузда хўжаликларда ҳаммаси бўлиб 140 минг гектар, деҳқонларнинг томорқа хўжаликларига экиладиганини ҳисоблаганда 144 минг гектар майдонга ғалла экиш режалаштирилган эди.

Мутасадди ташкилотлардан олинган маълумотларга қараганда ҳозиргача 81300 гектар ерга бошоқли дон экинлари сепиб қўйилди. Агарда 113 минг гектар суғориладиган ерга ғалла экиш режалаштирилган бўлса, ҳозиргача 70 минг гектар майдондан ортиқ ерга ғалла уруғи қадалди ва бу соҳадаги режа 66 фоиздан оширилди.

Экилган майдонларда майсаларнинг тезроқ кўзга ташланиши ва қишлов бошланишига қадар тупланиб, ўзини тутиб олиши учун деҳқонлар ўз тажрибалари ва маҳоратларини ишга солмоқдалар. Шу мақсадда улар суғориш ишларини барвақт бошладилар. 12 минг гектар суғориладиган ерга экилган ғаллага сув қўйилди. 30 минг гектар майдонга уруғ сепиш билан бир йўла ўғитлаб кетилди. Шундай қилиб, ҳар

Кузги дон экиш қандай бормоқда?

куни 700-702 гектар ерга ғалла экилмоқда. Далаларда 430 та сеялка ва экиш учун мослаштирилган бошқа турдаги механизмлар ишлаб турибди. Тракторчилар бу техникалардан имкони борича унумли фойдаланиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Ўртачирчиқ, Чиноз, Юқоричирчиқ туманлари ғаллакорлари ғалла учун ажратилган майдонларни экишга тайёрлаш ва экиш ишларини амалга оширишда олдинда бормоқдалар. Бу туманларда ҳар куни режадаги майдонларга уруғ сепиляпти, техникалардан моҳирлик билан фойдаланмоқдалар.

Мазкур туманларнинг деҳқонлари техникаларни ишга созлаб, уруғликларни ўз вақтида жамғариб қўйганликлари, ҳар бир қулай фурсатдан оқилона фойдаланганликлари туфайли шундай ютуқларга эришмоқдалар.

Лекин, ҳамма туманларда ҳам ғалла экиш ишлари жадал боряпти, мавжуд имкониятлар тўла ишга солиняпти, деб айтолмаймиз. Айниқса, Пискент, Янгийўл туманлари ғалла экишда анча орқада қолмоқдалар.

Маълумки, Оҳангарон тумани деҳқонлари ғалла етиштириш билан жуда кўп йиллардан буён шуғулланиб келадилар. Бу соҳада бой тажрибага эгадирлар. Афсуски, ҳозирги кундаги иш суръатига қараб баҳо берадиган бўлсак, Оҳангаронда бу тажрибалардан сусткашлик билан фойдаланилаётганлиги, ғанимат кунлар ўтиб боришига қарамай, туманда ғалла экиш кечикаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Нега шундай бўляпти?

Агар мазкур туманларнинг раҳбарлари билан суҳбатлашсангиз, турли баҳоналарни рўкач қиладилар, техникалар эскириб қолган, ўз вақтида созлаб бўлмаяпти, уруғлик етишмайди ва ҳоказо...

Лекин, қидирган имконият топяпти-ку? Айрим ерларда ерни ҳайдаш кечиккан эди. Ер қотиб кетган, деган баҳоналар йўқ эмасди. Бироқ, ўтган жума куни бўлиб ўтган ёмғирдан сўнг ерлар малҳамдек юмшаб қолди. Тўғри, бу ёмғир пахтакорлар ишига бирмунча ҳалақит берди. Бироқ, ғаллакорларга «қарашиб» юборди. Бу имкониятдан ҳам фойдаланиш керак-да!

Келгуси йили вилоятимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ғалла маҳсулотлари билан ўзларини ўзлари таъминлашни мақсад қилиб қўйганлар. Бу олижаноб мақсаднинг рўёбга чиқиши учун айни кунларда замин яратиш керак. Мўлжал бўйича суғориладиган майдонларда ғалла экишни узоғи билан 20 октбргача, баҳорикор ерларда эса 10 ноябргача тугаллаш режалаштирилган.

Вақт ғанимат. Бу режани сўзсиз амалга ошириш талаб этилади. Вилоятимиз деҳқонлари, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, ўйлаймизки, бу вазифани уддасидан чиқадилар. Улар бор тажрибалари ва маҳоратларини ишга солиб ғалла экишни ҳар жиҳатдан жадаллаштириб, режани ўз вақтида ўринлайдилар.

• ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 •

ДИҚҚАТ, ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Муҳтарам газетхонлар!

Шу йилнинг 1 октябридан барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида газета ва журналлар, шу жумладан **«Тошкент ҳақиқати»** учун 1996 йилга обуна бошланди.

«Тошкент ҳақиқати»нинг обуна баҳоси бошқа нашрларга нисбатан бирмунча арзонроқ. Вилоят аҳолиси учун:

бир йилга — 606 сўм 60 тийин,

олти ойга — 303 сўм 30 тийин,

уч ойга — 151 сўм 65 тийин,

бир ойга — 50 сўм 55 тийин.

Агар сиз Тошкентда яшаётган бўлсангиз, обуна бундан ҳам арзонга тушади:

бир йилга — 516 сўм,

ярим йилга — 258 сўм,

уч ойга — 129 сўм.

Абонент қутичаларидан фойдаланадиган тошкентликлар эса бундан ҳам озроқ ҳақ тўлайдилар:

бир йилга — 432 сўм,

ярим йилга — 216 сўм,

уч ойга — 108 сўм.

Корхона, ташкилот, муассасалар учун ҳам, якка тартибда обуна бўлувчилар учун ҳам ана шу нарх белгиланган.

«Тошкент ҳақиқати»нинг нашр кўрсаткичи аввалги йилгидек — 65672.

Қадрдон газетангизга обуна бўлишга шошилинг!

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1995 йил 17 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(фоиз ҳисобида)

биринчи устун - туманлар, иккинчи устун - бир кунда, учинчи устун - мавсум бошидан буён

ЎРТАЧИРЧИҚ	1,00	108,75
Оққўрғон	1,10	93,26
Бекобод	1,22	87,23
Бўка	1,36	87,05
Юқоричирчиқ	1,29	87,00
Чиноз	1,16	79,29
Янгийўл	1,11	77,24
Куйичирчиқ	1,51	76,87
Пискент	0,90	56,35
Вилоят бўйича	1,16	85,23

* * *

1994 йилда бўлган эди	1,50	73,13

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТУМАНЛАРИ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 17 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИ		ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНИ	
«Озод»	**101.22**	**«Гулистон»**	**110.59**
Охунбобоев номли	98.23	**У. Юсупов номли**	**109.2**
«Хонқа»	98.11	«Политотдел»	95.52
«Гулистон»	98.16	«Ўзбекистон»	94.56
«Оққўрғон».	95.38	Яссавий номли	91.38
Сегизбоев номли	92.12	«Юқоричирчиқ»	69.14
А. Икромов номли	90.54	Жамбул номли	47.45
«Маданият»	90.29	Ийкота	46.33
«Қаҳрамон»	86.91	ОСЛК	40.00
«Ўзбекистон»	77.60	**ЧИНОЗ ТУМАНИ**	
Ҳ. Олимжон номли	73.55	**Амир Темур номли**	**101.22**
«Султонобод»	73,47	«Гулзорбод»	96.18
Навоий номли	73.23	Навоий номли	93.02
СПТУ— № 42	—	«Ўзбекистон»	88.94
Фермерлар	—	«Дўстлик»	87.90
БЕКОБОД ТУМАНИ		Т. Охунова номли	84.95
Навоий номли	**105.67**	«Йўлтушган»	80.70
«ХОС»	**105.07**	С. Раҳимов номли	80.57
«Навбаҳор»	96.28	«Янгиобод»	77.85
«Ғалаба»	96.11	«Эшонобод»	76.36
«Бекобод»	94.17	Фермерлар	61.67
«Ўзбекистон»	90.80	Т. Эрназаров номли	51.41
«Деҳқонобод»	90.41	Охунбобоев номли	47.90
Бобур номли	89.71	«Чиноз»	41.60
«Фарҳод»	86.94	**ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ**	
«Далварзин»	85.21	**«Гулистон»**	**120.47**
Улуғбек номли	85.93	**Охунбобоев номли**	**118.62**
Ойбек номли	73.55	**«Ўртасарой»**	**112.98**
«Авангард»	67.97	**«Ўзбекистон»**	**112.17**
Мавлонов номли	65.16	**Икромов номли**	**111.66**
«Сарюз»	63.42	**«Северний маяк»**	**107.16**
«Турон»	63.37	**ТИИМСХА**	**106.59**
БЎКА ТУМАНИ		**«Ҳақиқат»**	**106.56**
«Гулистон»	**128.85**	**«Роватак»**	**105.85**
«Ачамайли»	**108.86**	**«Янги тўлқин»**	**103.33**
Азаматов номли	**108.37**	**«Корасув»**	**100.14**
«Бўстон»	**102.71**	**«Қайтмас»**	**100.03**
Саймоқов номли	**101.70**	«Янги турмуш»	95.89
«Роват»	95.81	Ким Пен Хва	95.85
«Ўзбекистон»	92.79	«Истиқбол»	86.93
Б. Умаров номли	90.78	Навоий номли	71.71
Жамбул номли	88.80	ТашДАД	70.40
«Паркент»	88.31	**ПИСКЕНТ ТУМАНИ**	
Йўлдошев номли	87.87	Дўстбеков номли	87.46
«Қашқадарё»	87.48	«Туркистон»	82.81
Навоий номли	82.55	Навоий номли	77.49
«Хўжақўрғон»	80.64	«Пискент»	76.11
«Дўстлик»	78.55	«Ўзбекистон»	54.73
Ҳожиматов номли	78.38	«Мустақиллик»	54.57
«Бўка»	77.22	Охунбобоев номли	52.00
«Бахмал»	74.08	«Қирғизобод»	47.48
«Туркистон»	73.09	Қодиров номли	40.81
Ражабов номли	58.01	Ҳайдаров номли	34.59
«Кўкорол»	57.19	Бошқалар	33.18
Улуғбек номли	56.45	Фермерлар	7.73
ҚЎЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИ		**ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ**	
«Ўжакент»	**102.66**	Ортиқов номли	94.18
«Тошовул»	99.02	«Дўстлик»	89.86
«Гулистон»	95.23	«Тинчлик»	89.01
«Юлдуз»	87.67	Мирзабобоев номли	82.44
«Ўзбекистон»	87.64	УзМИС	82.39
Улуғбек номли	83.36	УзМЭИ	81.01
«Дўстлик»	82.58	«Қовунчи»	79.91
«Меҳнатобод»	80.37	«Озод»	73.58
«Янги ҳаёт»	66.99	«Ниёзбоши»	72.56
«Пахтачи»	62.18	Ниёзов номли	58.87
Беруний номли	54.42	Турсунқулов номли	67.79
Ҳамза номли	50.03	«Янги ҳаёт»	36.30
ОПБ	—	п/ф «Умид»	11.71

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 3 йиллиги олдидан

ҚОНУН БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНГАН

ЎЗ МАВҚЕИ жиҳатидан жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг уч йиллиги нишонланадиган кун яқин. Вақт ўтган сайин бу тарихий ҳужжатнинг ҳаётийлиги, унда келажаги буюк она юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг йўл-йўриқлари, инсон ҳуқуқлари ва бурчлари оқилона ҳамда адолатли ифода этилганлиги янада тўла намоён бўлмоқда.

Бундан буён ҳам мамлакатимизнинг истиқболи, халқимизнинг тақдири ана шу қонунимизни турмуш тарзимизга изчил тадбиқ этишимизга боғлиқ бўлади. Ўзбекистон мустақил давлатчилигининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси ҳисобланган. Конституциянинг ҳар бир боби, моддаси халқ манфаатига, фуқаро манфаатига хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бизнинг конституциявий сиёсатимиз ўз миллий давлатимизни, иқтисодиётимизни ва маънавиятимизни камолот чўққиларига олиб чиқишга қаратилган. Мамлакатимизда суверен демократик давлат қуриш ҳамда ислоҳотлар беш тамойилга асосланган дир. Бу тамойиллар юртбошимиз нутқларида, рисолаларида, хусусан Президентимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» деб номланган, бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти алоҳида эътибор бераётган китобларида атрофлича илмий ва амалий асослаб берилган.

Бош қомусимизда белгиланган турмуш тарзимиз маромлари орасида бошқарувнинг маҳаллий ҳокимиятга даҳлдор қоидалари ҳам ўзгача аҳамиятга эга.

Шуни айтиш керакки, конституция қоидалари ёзиб қўйилиши билан чекланмасдан, ҳаётда ўз ўрнини топса, ижтимоий муносабатларга фаол таъсир қилсагина, уларнинг жамият учун аҳамияти, фойдаси катта бўлади.

Биз бугун Конституциянинг «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари» деб номланган боби ҳақида фикр юритмоқчимиз. Унда маҳаллий ҳокимият идоралари — бошқарув ва ижроия ҳокимиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳақидаги қоидалар мавжуд. Мазкур бобда маҳаллий вакиллик ҳамда ижроия ҳокимияти идораларининг тизими, вазифалари, ваколат муддати, уларнинг қарорларини тегишли худудда бажарилишининг мажбурийлиги қонуний мустаҳкамланган.

Мазкур бобнинг 99-моддасида таъкидланишича, «Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда» (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар тарқибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

Маҳаллий ҳокимият идоралари қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ҳамда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ўзлари идора этаётган худудларни ҳар томонлама, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришга даъват этилгандирлар.

Айни пайтда улар маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш билан шуғулланадилар.

Аҳоли истиқомат қилаётган жойларда коммунал хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, атроф-муҳитнинг тозалиги, санитария аҳволига эътибор бериш ҳам улар ихтиёрида бўлади.

Шунингдек, Асосий Қомусимизда мазкур вакиллик идоралари фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлашлари, конституцияга зид келмайдиган бошқа ҳужжатларни қабул қилиш ваколатлигига ҳам эга эканликлари таъкидланган.

Маҳаллий бошқарув идоралари учун Ўзбекистон Республикасининг барча қонунлари, юртбошимиз фармонлари, давлат юқори идораларининг қарорларини амалга ошириш мажбурийдир. Халқ депутатлари қуйи кенгашларига ҳам бошқарув органлари раҳбарлик қиладилар.

Конституцияда вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқарувнинг чегараси ҳам аниқ баён этилган. Масалан, ижроия ҳокимиятнинг тегишлилигига қараб вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари бошқаради. Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади. Ҳар иккала ҳолат ҳам халқ депутатлари кенгаши томонидан тасдиқланади.

Бош қомусимизнинг ана шу бобида туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари вилоят ҳокими томонидан тайинланиши, озод қилиниши ҳамда бу ҳолат тегишли халқ депутатлари кенгаши томонидан тасдиқланиши қайд қилинган. Шаҳарлардаги туманлар ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва туманларга бўйсунадиган шаҳарлар ҳокимларини туман ҳокими тайинлайди. Худди юқоридаги каби тайинлаш, озод қилиш тўғрисидаги қарорлар албатта халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгаши томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Шунингдек, Конституцияда маҳаллий ҳокимият идораларининг фаолиятини ташкил қилиш, ваколат доираси, маҳаллий кенгашларни сайлаш тартиби ҳам аниқ ифода этилган. Ана шу қоидалар асосида республикамизда 1993 йил 2 сентябрда «Маҳаллий ҳокимият тўғрисида» ва 1993 йил 5 майда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида» қонунлар қабул қилинди.

Конституция ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунлар асосида республикамизда маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти идораларининг янги тизими вужудга келди. Маҳаллий вакиллик идоралари, халқ депутатлари кенгашлари, аввалги советлар негизида, вилоят, туман ва шаҳарларда (туманга буйсунувчи шаҳарлардан ва шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ташкил қилинган бўлса, ижроия ҳокимияти — ҳокимликлар мутлақо янги идора сифатида вужудга келди ва улар вилоятларда ҳамма туман ва шаҳарларда ташкил қилинди. Конституцияга биноан бу идоралар бир-бирига мустақил, бир-бирига бўйсунмайдиган, яъни кенг мавқега эга идора сифатида фаолият кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси Конституциядаги ҳокимиятнинг тақсимланиш принципига ҳам мосдир.

Асосий Қомус маҳаллий вакиллик идоралари тизимидан фуқароларнинг ўзини бошқариш идоралари тизимини ажратди, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришнинг янги тизимини вужудга келтириш билан қишлоқ ва шаҳарчаларда давлат ҳокимияти идоралари фаолияти тугади ва уларнинг вазифаси фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларига юкланди.

Конституция қоидалари ҳаётга тобора чуқурроқ кириб бораётганлигини, маҳаллий вакиллик идораларини янгидан ташкил қилишга киришилганида ҳам кўрамиз. Қонун биринчидан сайловларни демократик асосда ўтишини таъминлашни назарда тутса, иккинчидан маҳаллий вакиллик идораларининг тузилишини такомиллаштиришни назарда тутади. Яъни қонун маҳаллий вакиллик идораларига сайланадиган депутатлар сонини кескин камайтиришни назарда тутган. Унга асосан вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларига 60 тагача депутат сайланади, туман ва шаҳар кенгашларга эса 30 тагача депутат сайланиши белгилаб қўйилган. Депутатлар сонининг озчилиги уларнинг сифатини ошириш заруратини туғдиради. Маҳаллий вакиллик органларида депутатлар сонининг камайтирилиши бозор муносабати талабларига ҳам жавоб беради. Бундан ташқари, қонунда маҳаллий вакиллик идораларига сайланиш ҳуқуқини 21 ёш қилиб белгиланиши ҳам депутатлар корпусини сифат жиҳатдан яхшилашга қаратилгандир.

Конституцияда кўзда тутилган меёрлар, кейинчалик унинг асосида қабул қилинган қонунлар, маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти идора фаолиятидаги илгари йўл қўйилган камчиликларни бундан буён қайтармасликни мақсад қилиб балгилади. Асосий мақсад ҳар бир давлат идораси ўз вазифасини ўзи бажаришига, бири-иккинчисининг ўрнини босмасligига йўналтирилди. Конституция ўзбек миллий давлатчилиги тарихи тажрибаларидан фойдаланиб, ҳоким лавозимини жорий этар экан, бозор муносабатлари шароитида ижро ҳокимиятини кучайтиришни назарда тутади, ҳокимларга кенг ваколатлар берилиши билан уларга катта шахсий масъулият ҳам юкланади.

Ўтказилаётган тадбирлар маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари фаолиятини тобора такомиллаштиришга, оқибат натижада эса ҳуқуқий давлат тавсифига мос тушувчи маҳаллий давлат идоралари тизимини шакллантиришга олиб келишини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатди.

А. ТЎЛАГАНОВ,
О. ҲУСАНОВ,
Тошкент давлат юридик институти доцентлари.

ИШ БИЛАН ҚИШНИНГ МУШКУЛИ БИТАР...

Янгийўл шаҳар хўжалиги қиш мавсумига қандай тайёрланмоқда

ҚИШЛИ-қировли кунлар тобора яқинлашиб келмоқда. Уни ҳар томонлама тайёргарлик билан кутиб олиш керак. Шунинг учун ҳам ҳамма жойдаги каби Янгийўлда бу мавсумни шай бўлиб кутиб олиш юзасидан ҳозирлик ишлари анча барвақт бошланиб кетди. Шаҳар ҳокимининг қарори билан май ойидаёқ бу ишга киришилди. Ҳамма корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда қиш шароитида ишлашга тайёргарлик қизғин тус олди. Уларда махсус комиссиялар тузилди, шаҳар бўйича эса штаб ташкил этилди.

Бу штаб ва комиссиялар аъзолари шаҳар хўжалигини ташкил этувчи барча тармоқлардаги аҳволни синчиклаб ўргандилар. Шундан кейин амалга оширилиши лозим бўлган юмушлар ҳажми ва бунинг учун керак бўладиган материаллар ҳамда маблағ ресурслари миқдорини аниқладилар. Ҳамма жойда биринчи раҳбарлар қишга тайёргарлик ишларининг вақтида амалга оширилиши учун масъул қилиб белгиланди.

Ҳозирги вақтда қиш мавсумига тайёргарликнинг энг сўнгги ишлари олиб борилмоқда. Шаҳар штаби белгиланган барча тадбирларнинг вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан назорат қилиб бормоқда. Ҳар ойда бир марта чақирилаётган штабнинг кенгайтирилган мажлисида корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари иштироки билан масала муҳокама қилинмоқда, бевосита жойларда бўлиб иш аҳволи билан танишилмоқда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоралар белгиланмоқда. Шу туфайли ҳам шаҳар бўйича қиш мавсумига тайёрланиш тадбириларининг аксарият кўпчилиги муддатида бажарилмоқда. Буни шаҳарда шу соҳа бўйича ишларнинг боришини текширган вилоят, республика комиссиялари ҳам алоҳида таъкидладилар, айни вақтда айрим камчиликлар борлигини ҳам қайд қилганлар.

Шаҳардаги корхона — ташкилотлар, айниқса аҳоли истиқомат қиладиган уй-жойларни иситиш, уларни совуқ ва иссиқ сув билан узлуксиз таъминланиши ниҳоятда зарурлигини ҳисобга олиб ҳозиргача бу йўлда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Бевосита ҳокимлик ихтиёрида бўлган, шунингдек корхона-ташкилотларга қарашли қозонхоналарни янги мавсумда ишлашга тайёрлаш жадал борди. Мавжуд бўлган катта-кичик ўттизта қозонхонани таъмирлаш тугалланди. Корхоналарга қарашли айрим қозонхоналар шаҳардаги уй-жойларни иситишга ҳам хизмат қилмоқда. Шунинг учун таъмирлаш ишларининг бориши назорат остида бўлди. Шу кунларда иссиқлик етказиб берувчи қувурлар тармоқларининг таъмирлашни талаб қиладиган қисмларини тиклаш ишлари охирига яқинлашмоқда. Икки ярим километр узунликдаги бундай тармоқларни тузатиш режалаштирилган бўлса ҳозиргача унинг 2,2 километри қўлдан чиқарилди. Ҳокимлик ихтиёрида бўлган қисмининг тахт қилинганига эса анча бўлди.

Шу кунларда барча қозонхоналарда ишга тушириш — созлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. 10 октябрдан бошлаб хонадонларга иссиқ сув берила бошланади. Бундан мақсад барча иссиқлик тармоқларини ишлатиб кўриш, носозликларни бўлса уларни аниқлаб, зудлик билан бартараф қилишдир. Бу қиш мавсуми давомида содир бўладиган ва тузатиши анча машаққатли ўтадиган турли хил авариялар, кўнгилсиз ҳодисаларнинг содир бўлишининг олдини олади.

Қозонхоналарнинг қиш мавсумида ёқилғи билан тўла таъминлаш мақсадида ҳам зарур чоралар кўрилмоқда. Уларда асосан мазут ёнилғисидан фойдаланиш назарда тутилган. Бунинг учун 7 минг тонна шундай ёқилғи захирасини тайёрласа бўлади. Шу маррага барвақтроқ эришиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Бунинг натижаси яхши бўляпти. Ҳозиргача 6700 тонна ёнилғи келтириб, ҳажмли идишларда сақланмоқда. Яна уч юз тонна мазут келтирилади. Бунинг учун вагонлар шундай ёнилғи етказиб берувчи корхонага юборилди. У ҳам яқин кунларда шаҳарга етиб келади.

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари, уй-жойларни қишга тайёрлаш ишлари ҳам режада белгиланган тартибда олиб

Долзарб мавзу

борилмоқда. Жумладан, уй-жой фондини таъмирлашда назарда тутилган ҳажмдан ҳам ўзиб кетилди. Шу йилнинг тўққиз ойи давомида шу мақсадда етти юз йигирма минг сўм маблағ ўзлаштирилди. Бу графикда белгиланганидан деярли йигирма фоиз кўпдир. Шу билан бирга режали — олдини олиш бўйича 70 минг сўмлик тузатиш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, 68 минг сўмлик ўрнига 268 минг сўмлик олдин назарда тутилмаган ишлар қилинди. Бу асосан иситиш, водопровод, канализация тармоқларига сарфланди.

Кўп қаватли ва кўп хонадонли ўн иккита уйнинг тўла, шу жумладан сантехника ускуналарини таъмирлаш учун икки миллион уч юз минг сўм сарфлаш юзасидан белгиланган маррага ҳам кун сайин яқинлашиляпти. Тўққиз ойда 1 миллион 326 минг сўмлик иш бажарилди. Шуниси диққатга сазоворки, бу уйларнинг ҳаммаси хусусийлаштирилганига қарамай таъмирлаш ҳаражатларининг 50 фоизини ҳокимлик ўз ёнидан дотация сифатида ажратди.

Шаҳар марказий касалхонаси объектларини қишга тайёрлаш деярли тўла амалга оширилди. Туғуруқхона, касалхона, шифохона, болалар юқумли касалликлари ва бошқа тиббий муассасаларнинг санитария-техника тармоқларини таъмирлаш охирига етмоқда. Бу иш учун ажратилган бир миллион сўм маблағ эса тўла ўзлаштирилмоқда. Халқ таълими бўлимига қарашли 15 мактаб, 17 болалар боғчаси, 4 мактабдан ташқари муассасаларнинг иситиш тармоқлари текширувдан ўтказилди, зарур қисмлари тўла таъмирланди. Бунинг учун ҳам маҳаллий бюджетдан юзларча минг сўм ажратилди. Мавжуд 65 километр узунликдаги муҳандислик иншоотлари тармоғининг 61 километри ёки 93 фоизи қишда ишлашга тўла тахт қилиб қўйилди...

— Шаҳримиз учун ичимлик сув таъминоти, иситиш, канализация тармоқлари доим мураккаб муаммо бўлиб келган ва айтиш мумкинки, ҳозир ҳам шундайлигича қолмоқда, — дейди Янгийўл ҳокимининг ўринбосари Гром Петрович Ким. — Чунки шаҳримиз анча тарқоқ жойлашган, турар-жой даҳалари ҳам бир-бирига яқин эмас, бунинг устига эски қурилган уй-жойлар кўп бўлиб, ўша вақтда уларнинг муҳандислик тармоқлари барпо этилмаган. Шу сабабли ҳам шаҳар ҳокимлиги бу масалага катта эътибор билан қарамоқда. Вилоят, республика раҳбарликларининг ёрдами билан бу муаммони ҳал қилишга киришиляпти. Жумладан, Ниёзбоши қишлоғидаги сув ажратгичдан шаҳарга томон ичимлик оби-ҳаёт тармоғини қуриш ишлари охирига яқинлашмоқда.

Бу иншоот анча катта. Унинг умумий узунлиги 13,8 километр бўлиб, уч йилдан бери барпо этиляпти. Бунинг учун катта миқдорда маблағ, бинокорлик материаллари, ҳозирги иқтисодий кийинчиликларга қарамай, ажратилмоқда. Бу йил унинг яна тўрт юз метри қурилди. Қолган қисми эса олти юз метрни ташкил этади. Бу иншоотнинг ишга туширилиши шаҳарни ичимлик сув билан тўла таъминлаш муаммосини кун тартибидан чиқаришга олиб келади.

Яна бир йирик коммунал хўжалик объекти — шаҳардаги мавжуд канализация тармоғининг зўриқишини камайтириш мақсадида янги канализация коллектори қурилиши ҳам давом этмоқда. Бу ишга ўтган йили киришилган эди. Узунлиги уч километргача борадиган бу иншоотнинг беш юз метрчаси тайёр бўлди. Имконият бўлиши билан уни бунёд этишни жадаллаштириш назарда тутилмоқда.

Шаҳарда иссиқлик энергияси таъминотини яхшилаш чоралари ҳам кўрилмоқда. Йирик ва замонавий янги қозонхонани қуришга ҳам киришилди. Унинг йигирма гигакалорий қувватга эга бўлган қозони шаҳарнинг бундай энергияга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга олиб келади. Ҳозирги вақтда уй-жойларни иситиш учун биокимё заводидан олинаётган иссиқлик энергиясини тўла тўхтатиш имконини беради. Бу анчагина давлат маблағини тежайди. Чунки, завод бераётган иссиқлик энергияси учун анчагина миқдорда ҳақ тўланяпти. Бу объект қурилишида икки миллион сўм сармоя ўзлаштирилди. Уни бунёд этишдан манфаатдор ташкилотлар, шу жумладан шаҳар ҳокимлиги ҳам улушли қатнашмоқда.

— Юқорида санаб ўтилган иншоотларнинг тўла барпо этилиши, — дейди Гром Петрович, — шаҳримизни, айниқса, қиш мавсумида ичимлик сув, иссиқлик энергияси ва канализация билан таъминлашни кескин яхшилашга олиб келади. Албатта, уларни мўлжалланган муддатда фойдаланишга топшириш мураккаб масала. Бунинг учун махсус асбоб-ускуналар, иситиш қувурлари, тахта-ёғоч ва республикамизга асосан хориждан келтириладиган бошқа турдаги материаллар керак. Ҳозирги пул тўловлари мураккаб бўлган шароитда буни уддалаш қийин бўлмоқда. Лекин қўл қовуштириб ўтираётганимиз йўқ, доим ҳаракатдамиз. Бу ишларнинг нафақат иқтисодий, айни вақтда катта ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини унутишимиз мумкин эмас. Шунинг учун ҳам уни уддалаш учун барча имкониятларни ишга солишга ҳаракат қиламиз. Бу янгийўлликларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилишининг ўзи бизни шунга даъват этади.

М. МИРҲАМИДОВ.

Нишондорларимиз

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан республика халқ таълими ходимлари куни арафасида келажагимиз бўлган ёшларга таълим-тарбия беришда, жамоат ишларида фаол қатнашаётган бир гуруҳ халқ таълими ходимлари мукофотланди. Улар орасида Зангиота туманидаги 45-ўрта мактаб ўқитувчиси Турсуной Сайдазимова ҳам бор эди. У «Ўзбекистон республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий унвонига сазовор бўлди.

ОПА ишлаётган мактабни топиш қийин бўлмади. Ўқитувчилар хонасига кирганимда ўрта бўйли, чеҳраси очиқ олтмиш ёшлар чамасидаги бир кишига дуч келдим. Салом-аликдан сўнг:

— Мен шу мактабнинг илмий мудири бўламан, — дея ўзини таништирди Носир ака Бекмирзаев. — Келганингиз жуда яхши бўлибди. Турсунойнинг хизматлари ҳар қанча улуғлашга лойиқ. Ҳукумат мукофоти билан тақдирланганидан барча ҳамкасблар қатори менинг ҳам бошим кўкка етди...

Носир ака Т. Сайдазимова ҳақида анчагина сўзлади.

— Дарс тугашига оз вақт қолди, унгача Турсунойнинг ташаббуси билан ташкил этилган музейимизни тамоша қилиб туринг, — дея мени каттагина хонага бошлади.

Мактаб музейига эътиборни тортадиган бир қанча кўргазмалар қўйилган. Ота-боболаримиз даврида яратилган самовар, обдаста, обкаш, мисдан ясалган баркаш, каптир, турли сопол товоқлар киши эътиборини тортади. Бир томонга аёлларимиз, бувижонларимиз ёпинган паранжи, чачвон, ковушмахси, чиройли қилиб безатилган бешик, дўппи нусхаларидан намуналар қўйилган. Кичкинагина тачка кўрпа тўшалиб, ёнларига кўрпачалар ёзилган.

Геологлар топилмаси ҳисобланмиш қимматбаҳо тошлардан намуналар қўйилган тахталарга номлар битилган. Тувакларидаги чиройли анвойи гуллар хонани янада файзли кўрсатарди.

Эшик очилиб, истараси иссиқ аёл кулиб кириб келди. Биз қадрдонлардек сўрашдик. Бу Турсуной опа эди. Уни фахрий унвон билан қутладим.

— Раҳмат. Камтарона меҳнатим бу даражада тақдирланади деб ўйламаган эдим, — деди муаллима.

Суҳбат мавзуимиз опанинг иш фаолиятига кўчди.

... Т. Сайдазимова Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли 4-мактабда ўрта маълумот олди. Биринчи ўқитувчиси марҳум Ўғилой опа Амандиқова Турсунойлар хонадонидан уч-тўрт ҳовли нарида турарди. Шунинг учун бўлса керак, у қизалоқнинг дарс тайёрлаши, оиладаги ҳаётидан бот-бот хабар оларди. Ота-онаси билан суҳбатлашар, маслаҳатларини аямасди.

Шундай мулоқотлар туфайли бўлса керак, Турсуной мактабда яхши ўқиди, айни пайтда тўгаракларда фаол қатнашди. Онасининг «Қизим, дарсларга пухта тайёрлан, ўқитувчинг олдида мени уялтириб қўйма», — деган сўзларини доимо ёдда тутиб кўп вақтини уй вазифаларини бажаришга, китоб мутоалаларига ажратарди. Унинг интилишлари зое кетмади. Ўнинчи синфни тугатиш арафасида ўз орзуси ҳақида муаллимларга, ота-онасига гап очди. Кимга маслаҳат солмасин, «Ўқитувчилик — олижаноб касб», дея унга оқ йўл тиларди.

ЭЪЗОЗ

Ана шу дил сўзлари, тўғри кўрсатилган йўл-йўриқлар туфайли у ўқитувчилик касбини танлади. Талабалик йиллари ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Қўлига диплом олган ёш мутахассис биринчи бор 10-сонли мактабда иш бошлади...

— Ўзингиз устоз бўлиб биринчи бор дарсга кирган кунингиз ҳақида гапириб берсангиз? Ҳаяжонланган бўлсангиз керак, — сўраймиз муаллимадан.

— Биз институтда ўқиётганимизда неча бор мактабларга машғулот ўтказгани борганмиз. Аммо, чиндан ҳам мактабда иш бошлаган куним жуда ҳаяжонланганман. Кечагидек ёдимда. 9-«Б» синфга кирганимда ҳурмат билан туриб кутиб олишган. Ўқувчиларимдан бир қанчасининг бўйи мендан баланд. Салобат босди. Кўп ўтмай ўзимни тутиб олдим. Кейин меҳнат ва ўқиш бизни яқинлаштирди. Ҳурмат самимийлашиб борди. Қишлоқ мактаби эмасми, ҳар йили қурт боқилар экан. Синф аъзолари билан икки қути қурт боқдик. Ўша йили ҳар қутидан 75 килограммдан пилла топширдик. Ўзимиз ишлаб топган пул ҳисобидан синф билан Самарқандга саёҳатга бориб келдик.

Шу-шу бўлди-ю, мактаб ҳаёти мен учун ўзгача бир дунё. Ўқувчиларимсиз, ишимсиз ҳаётимни тасаввур қилолмаслигимни ҳис этдим.

Рости гап ўқитувчилик касби анча машаққатли. Вақти-ки келса уйда ўз болангизга бир нарсани уқтириш учун қийналасиз. Мактабда эса 25—30 ўқувчига билим беришингиз керак. Шундай вақтлар бўладики, битта ўқувчингиз ўтган дарсингизни ўзлаштириб сизга жуда чиройли жавоб қайтаргани билан, бошқаси лом-мим демай тураверади. Бундай пайтларда, албатта, ўтган дарсимни яна бир бор қайтаришга ҳаракат қиламан.

Турсуной опа йигирма йилдирки, география, биологиядан дарс бериб келмоқда. У ҳар бир дарсга доимо алоҳида ҳозирлик кўради. Китоблар, газета ва журналларни кўздан кечиришни унутмайди. Машғулотларнинг жонли ва таъсирчан бўлишига интилади. У ўз фанлари бўйича ўқитувчилар орасида ўтказилган кўрик танловларда бир неча бор совринли ўринларни эгаллади. Муаллиманинг бой тажрибаси тумандаги кўпгина мактабларга ёйилган.

— Ўқитувчи чуқур билимга эга бўлиши билан бирга, — дейди Т. Сайдазимова, — тарбияга кўпроқ эътибор бериши зарур. Мени кўп ўйлантирадиган нарса ўқувчиларимизнинг яхши кийиниб юришлари, бироқ улар шу нарсаларнинг қадрига етмайдилар. Биз фарзанд тарбиялаётибмизми, демак унинг қандай тарбияланиши оиладан бошланади. Ўқитувчининг биринчи галдаги вазифаси ўқувчиларни билим олишга қизиқтира билиш. Шундай дарс ўтиш лозимки, ўқувчи ўзини ўша дарс оламида тасаввур қилсин.

...Фидокор ўқитувчи Турсуной опа ўқувчиларни атроф муҳитга ҳурмат руҳида тарбиялашга кўпроқ эътибор бермоқда. У ўз касбини астойдил севади, бу меҳрни шогирдларига ҳам сингдирган опа жамоада обрў эътибор топишда ҳамкасблари, устозларининг ҳиссаси катта эканлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ўқитувчининг ташаббускорлик ишида туман халқ таълими бўлими, мактаб маъмурияти ва жамоаси мунтазам қўллаб-қувватлаб келмоқда. Мактаб жамоасида юздан ортиқ ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Директор Фотимахон Шерматова ҳар бир муаллимнинг қалбига йўл топиб, ўқитувчи ишининг самарадор бўлишига интиляпти. Мактабда деярли ҳар бир зиёкор изланувчан...

Ҳа, қайси касбда бўлишдан қатъий назар, инсон ўз устида кўпроқ ишласа, виждонан меҳнат қилса ҳар доим ҳурматда бўлар экан. Бунга Турсуной ҳаёти яхши намунадир.

— Камтарона меҳнатимни юксак мукофотга лозим деб топган Президентимизга, туман халқ таълими бўлимига, жамоамизга ташаккурлар айтаман, — дейди муаллима-хайрлашаркан. — Ҳали ниятларим жуда катта — ош авлодни мустақил мамлакатимизга содиқ фарзандлар қилиб тарбиялаш бирдан бир мақсадимдир.

Мая ОБИДОВА.



Суратда: Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Турсуной Сайдазимова дарс пайтида.

ЧЕТ ЭЛ БУЮРТМАСИ БАЖАРИЛДИ

ЧИРЧИҚДАГИ «Электрокимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси мўъжизакорлари минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Шу туфайли ҳам бу йил жамоа фаолиятида ўтган йилдагига нисбатан сезиларли ижобий силжиш юзага келди. Шу йилнинг ўтган етти ойида ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда ўн етти ярим фоиз ўсди.

Айни вақтда бирлашма жамоаси катта ҳажмдаги чет эллик мижозлар буюртмаларини ҳам бажармоқда. Жумладан, Америка Қўшма Штатларига ярим миллион долларликдан кўпроқ карбомид етказиб берилди. Хорижий буюртмачилар сафига қўшилган Гонгконга эса бу ҳажмнинг ярми миқдоридаги аммиак селитраси жўнатилди. Чет элларга маҳсулот юбориб топилган валюта асосан бирлашма ишлаб чиқариш технологиясини янада такомиллаштириш учун асқотадиган турли замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш учун ажратиляпти.

М. МАҲМУДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИДА «БОИНГ»ЛАР УЧАДИ

1996 йил август ойидан бошлаб «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси йўлларида жаҳонга машҳур бўлган «Боинг» самолётсозлик компаниясининг самолётлари уча бошлайди. Шуниси диққатга сазоворки, компаниянинг қароргоҳи Вашингтон штатининг (АҚШ) маъмурий маркази — бир неча йиллардан бери Тошкент билан бородарлашган Сиэтл шаҳрида жойлашган.

Якинда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан «Боинг» компанияси ўртасида тузилган шартномага биноан республикамиз мазкур компаниядан учта самолёт сотиб олади. Уларнинг иккитаси 200 дан ортиқ йўловчи ташишга мўлжалланган «Боинг—767», биттаси эса 180 йўловчи ташишга мўлжалланган «Боинг—757» самолётидир.

Мазкур ҳаво кемалари тўққиз минг километрлик масофага уча олади. Бу — Ўзбекистон авиаторларига пойтахтимизни Нью-Йорк, Афина, Жакарта, Сингапур ва жаҳоннинг бошқа шаҳарлари билан боғлайдиган олис йўналишларга қўнмасдан учиш имконини беради.

Ўзбекистонлик мутахассисларнинг ҳулосасига қараганда, экологик жиҳатдан тоза ва кам ёнилғи истеъмол қиладиган «Боинг»ларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ҳам ошади.

«Боинг» компанияси «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га экипаж аъзолари, техник ходимлар ва бошқа мутахассисларни тайёрлашда бепул ёрдам кўрсатади. Мутахассисларни АҚШ ва Ўзбекистонда тайёрлаш мўлжалланган.

(ЎзА).

НОГИРОНЛАРГА АТАЛГАН САЛОН-МАГАЗИН

Тошкентда машҳур «Майер» Германия фирмасининг ногиронлар ҳаракатини яхшилашга хизмат кўрсатадиган салон-магазинининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Мазкур фирма узоқ йиллардан буён ўз ҳолича ҳаракат қилолмайдиган кишиларга лозим бўлган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Юксак даражадаги барча техника ишланмаларини фирма мутахассислари ишлаб чиққан.

— Фирманинг Тошкентдаги ваколатхонасини очиш тўғрисидаги музокаралар бундан бир йил муқаддам бошланган эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умурзоков. — Фашизм устидан қозонилган галабанинг 50 йиллиги байрами арафасида ногиронлар учун минг дона аравача сотиб олинди. Бугунги кунда «Майер» фирмаси маҳсулотларини Тошкентда бемалол сотиб олиш мумкин. Ҳозир ногиронлар аравачалари ва бошқа жиҳозларни Ўзбекистоннинг ўзида тайёрлаш ҳусусида музокаралар олиб борилмоқда.

Салон-магазинни очиш жараёнида сўзга чиққан «Майер» фирмаси президенти Майер Ўзбекистонда эзгулик тушунчаси сўзда эмас, амалда намоён бўлаётганини таъкидлади. Шуниси диққатга сазоворки, бу салон-магазин МДҲ мамлакатларида очилган иккинчи хайрия-савдо масканидир.

Р. ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

МЕҲНАТ ВА ҚЎШИҚ ҲАМОҲАНГ

Вилоят кўчма тарғибот-ташвиқот марказининг пахтакор туманлар бўйлаб сафари давом этмоқда.

Агитбригада аъзолари Ўртачирчиқ туманининг «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига етиб келганда ўзгача бир манзаранинг гувоҳи бўлдилар. Шийпонда маданият уйининг истеъдодли хонандаси Нишонбой Мадалхонов бошлиқ гуруҳнинг шўх қўшиқлари янграмоқда эди. Бир ёнда ўз меҳнатлари билан намуна бўлаётган фахрий отахонлар, бир ёнда эса мажбуриятни бажарган пахтакорлар юзларида табассум билан ўз бригадалари аъзолари билан ўтиришарди. Ёш-яланглар хизматда...

Ҳозиргина жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Солижон Тожиев иштирокида кўчма марказ аъзолари билан биргаликда дала айланиб, деҳқонларнинг самарали меҳнати туфайли етиштирилган мўл ҳосилнинг гувоҳи бўлган эдик. Туманда режа бажарилган бўлсада далаларда ҳосил кўп. Механизаторлар, теримчилар, ҳашарчилар суръатни қўлдан бой бермай тер тўкишмоқда эди.

— Бизни йўқлаб келганингиздан кўнглимиз тоғдек кўтарилди,— деди раис самимият билан. — Шунинг учун илғор бригадалар аъзоларини йиғиб, бироз бўлсада мароқли дам олишлари учун имконият яратдик.

«Наврўз» нашриётининг директори, Усмон Носир мукофотининг соҳиби Тўлқин Эшбек даврани очиб, пахтакорларни зафар билан кутлади. Даврада жонланиш пайдо бўлди. Шеър куйга, қўшиқ рақсга уланиб кетди. Фалсафа фанлари номзоди, доцент Тўра Нортоев асосий бойлигимиз — пахтанинг аҳамияти ҳақида сўзлади. Вилоят ҳокимининг матбуот котиби Холтўра Шафоатов, тележурналист Комилжон Каримжоновлар ҳам сўзга чиқиб, қолган ҳосилни ҳам тез ва соз териб олишда пахтакорларга омад тилади. Кўчма марказнинг «Хирмонингизга барака!» тезкор варақасига илғор бригадаларнинг исми шарифлари битилди.

С. ИСМОИЛХОЖИЕВА.

ҲОСИЛ — 95

БЎКАНИНГ БАРДОШЛИ ОДАМЛАРИ

Олтин куз, йиғим-терим мавсуми бўлгани сабабли қаерга борманг, ким билан учрашманг, салом-аликдан сўнг суҳбатнинг жилови, албатта, пахтага, терим суръати ва кундалик маълумотларга қараб бурилади. Бўкада ҳам худди шундай. Қишлоқ чойхонасида отахонлар билан бир пиёла чой устида гангур-гунгур суҳбатлашиб, туманда қайси хўжалик отини қамчилаяпти-ю, қайси бири орқада қолаётганигача билиб олдик. Чойнаги устига даструмолини ёпиб, битта-битта чой хўплаётган чўққи соқолли отахон ҳам гапга аралашиб, «Барака топсин, ўз номи билан Деҳқонбой-да. Бригадаси икки йилдан бери вилоятда биринчи бўлиб режасини бажаряпти. Куни кеча мажбуриятини ҳам уддалабди». — деган хушхабарни айтиб қолди. Гап бир зум Деҳқонбой аканинг бригадаси ҳақида борди-да, сўнг хашарчилар, машина теримининг баракаси, теримчиларга жарақ-жарақ пул тўланаётгани, қўйингчи, ҳатто, давлат автоназоратчиларининг бу ишга қўшаётган ҳиссаларигача четда қолмади. Белбоғини елкасига ташлаб олган нимжонгина, икки юзи ажинлардан тўрланиб кетган оқсоқол ўртага гап ташлади:

—Буям бир таклиф-да, жўралар, бола-чақаларимиз бари пахтада, кечгача шу ерда ўтириб, кунни ўтказяпмиз. Бунинг ўрнига бизлар ҳам яқин ўртадаги хўжаликка чиқиб, баҳоли-қудрат пахта терсак... Беш-ўн килодан терсак ҳам бола-чақаларимизга мадад бўлади-ку, нима дейсизлар?

— Маъқул гапни айтингиз, Миршоди, пахта кўпга келган тўй, қишлоқ фуқаролари йиғини раисига айтайлик, бизни ҳам ана шу тўйдан бебаҳра қолдирмасин...

Отахонлар бир қарорга келишди: эртага тонгдан этакни боғлаб, қўшни хўжаликка хашарга чиқадиган бўлишди. Биз эса отахонлар тилга олган хўжаликларга бориб, у ердаги ишлар билан танишадиган бўлдик.

ЎЗ НОМИ БИЛАН ДЕҲҚОНБОЙ-ДА...

БАРОТ Умаров номли жамоа хўжалигининг довруғини атрофга ёяётган унинг содда, аммо, ғоят меҳнаткаш, ҳар бир ишни жон дили билан қиладиган одамлари. Бўлмаса, бу хўжалик ҳам асосан пахтачилик билан шуғулланади. Бироқ қўшни хўжаликларга қараганда ҳосили кўпроқ бўлади, улардан бир ҳафта-ўн кун илдамлаб, маррага олдинроқ етади. Бу ҳам бўлса баротликларнинг ишбилармонлиги, бу сенинг ишинг, бу менинг ишим демай, ёппасига жон куйдириб, меҳнат қилишаётганидан...

—Юз қўшчига бир бошчи, деган гап бор. Барот Умаров номли хўжаликда бўлганингизда, албатта, унинг раиси Баҳром Раҳмонқуловнинг иш тутишига разм солинг, — деганди туман ҳокими Баҳодир Махситов. — Одамларнинг бошини бир ерга йиғишнинг ўзи бўлмайди. Баҳром ана шундай раҳбарлик санъатини эгаллаганлардан бири.

Раисни Деҳқонбой ака Жуманазаров бошлиқ бригадада учратдик. У дала шийпони ва катта ошкомга туташиб кетган пайкалда бригада бошлиғи билан бирга даланинг нариги чеккасига қараб кетаётган терим машинаси ортидан тикилиб, қараб турарди. Иккинчи терим ҳам ниҳоясига етиб қолгани учунми, ғўза тупларида ҳосил бироз камайган, аммо, терим суръати ҳамон шахд билан давом этаётган эди. Хорманг-бор бўлинглашдик.

— Деҳқонбой ака билан бу йилги мавсумнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гаплашаётгандик, — деди раис узилиб қолган суҳбатни давом эттириш мақсадида. — Бу йил ҳокимликнинг ҳам иш услуби ўзгарди, хўжаликларнинг эркини ўзига бериб қўйди. Биз ҳам ўз навбатида бригадаларга ишониб, «Бугун буни қил, эртага уни қил» демай қўйдик. Тўғри-да, хўжаликлар ҳам, бригадалар ҳам ўзи етиштирган ҳосилни ўз имкониятларидан келиб чиқиб, вақтида йиғиб-териб олишнинг пайида бўлади. Ҳа, юқоридан буйруқ бериб, раҳбарлик қилишнинг даври ўтди.

—Тўғри, ишонч билдирган яхши, аммо, ишончни ҳам назорат билан қўшиб олиб бориш керак,— дейди Деҳқонбой ака Жуманазаров. — Халқ яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи, деб бекорга айтмаган. Яхши деҳқоннинг ўзи эртага нима қилишнинг ҳисоб-китобини бугун қилиб қўяди. Айримларини эса безовта қилиб турмасанг бўлмайди...

Деҳқонбой акани кўпдан танийман. 45 йилдан бери бригадага раҳбарлик қилади. Ана шу 45 йилдан бери режасини мунтазам уддалаб келяпти. Ўтган йили ҳам, бу йил ҳам вилоятда биринчи бўлиб маррага етгани учун туман ҳокимининг бош совғини — рангли телевизор ва «Сони» магнитафонини олишга эришди. Ҳоким Баҳодир Махситовнинг ўзи унга тўн кийдириб, белбоғ боғлади. Машҳур хонанда Олмахон Хайитова отани табриклаб, дала шийпонида катта концерт берди.

— Қандай қилиб эришдингиз бунга? — сўраймиз ундан.

Деҳқонбой ака бир зум ўйланиб турдида, сўнг салмоқланиб жавоб берди:

— Ҳамма нарса ҳисоб-китобга боғлиқ, ука. Бу йил кўп жойларда фақат қўл теримига зўр беришди. Бу, балки, яхшидир. Аммо, машинани ҳам унутмаслигимиз керак-да. Ҳа, машина ишлаши керак. Мана қаранг, биз 31 гектар ердаги ҳосилни фақат машина билан териб олдик. Ўғлим Ҳусанбойнинг бир ўзи 65 тонна пахтани йиғиб-териб берди. Ҳам арзон, ҳам баракали бўлди. Топширилган ҳосилнинг 28 тоннаси эса қўл теримига тўғри келди. 10 кунда режани, ўн беш кунда мажбуриятни бажаришнинг ўзи бўлмайди.

Баҳром Раҳмонқулов Деҳқонбой ака билан йиғим-теримга доир баъзи маслаҳатли ишларни келишиб олди-да, сўнг мавзуни бурди:

— Тегирмон қалай, ишлаб турибдими? — отанинг тасдиғини эшитгач, бизга тушунтирди. — Бригадада битта ариқ қияликдан оқиб ётарди. Деҳқонбой ота шу ерга тегирмон қураман, негаки, 13 гектар ердан бугдой олдим, гектарига 46 центнерданга тўғри келди, бошқа бригадаларда ҳам шундай бўлди. Энди тегирмон керак, мана шу қияликка тегирмон қурилишига рухсат бер, деб туриб олдилар. Нега ҳайрли ишга йўқ дерканман, бошланг, қандай ёрдам керак бўлса, бажонидил, дедим. Бир ойга қолмай хашар йўли билан қурилган тегирмонни битказиб, ун тортишни ҳам бошлаб юборишди.

— Бу йил бугдойни камида 30 гектарга сочмоқчиман, — Деҳқонбой ака гапнинг мавриди келганидан фойдаланиб, ўйлаган ўйини раисга билдириб қўйди. — Буни халқнинг ўзи талаб қилаяпти.

... Баҳром Раҳмонқулов билан йўл-йўлакай гангур-гунгур суҳбатлашиб кетдик. Хўжаликда гарчи иккинчи терим ниҳоясига етаётган бўлса ҳам кунлик суръат 3 фоиздан тушгани йўқ. 400 га яқин теримчи, 15 та машина баракали ишлаяпти. Туман маркази ва Ангрен шаҳридан келган мингга яқин харашчилар йиғим-теримда биринчи кундан бери иштирок этаётир. Куни кеча Абдуғани Толипов, Собир Йўлдошев бошлиқ бригадалар ҳам маррага етибди. Хўжалик ҳам нари борса 4-5 кундан кейин ваъдага вафо қилганлиги тўғрисида хушхабар йўлламоқчи. Хуллас, Барот Умаров номли жамоа хўжалигида пахта йиғим-терими жадал давом этяпти.





«БИЗ ҲАМ ПАХТАКОРМИЗ, МУЛЛА АКА...»

БЎКАНИНГ катта-кичик йўлларида енгил машиналар қатнови камайди-ю, аммо, икки-учталаб пахта ортилган прицепларни тиркаб олган тракторлар, шаҳарлик ҳашарчиларни ташиётган автобуслар сони кескин кўпайиб кетди. Диққатга сазовор яна бир жойи-пахта карвонлари ва автобуслар фақат давлат йўл хавфсизлиги хизматчилари ҳамроҳлигида қатнаяпти.

— Туманда пахта йиғим-терими бошланган кундан эътиборан шахсий таркибимизни сафарбар этганмиз, — дейди туман ДАН бошлиғи Абдурасул Акмалов. — Эътибор берган бўлсангиз керак, чорраҳаларда кеча-кундуз йўл назоратчилари ишлаяпти. Кўпчилик ходимларимиз ўзларига бириктирилган жамоа хўжаликларига чиқиб кетишган. Уша ерда ўз хизмат вазифаларини адо этишади. Биронта пахта ортилган прицепли ҳосил карвонлари йўққи, улар, албатта, қабул пунктларига йўл назоратчилари кузатувида борадилар. Илгари фақат чорраҳа ва катта йўл ёқаларида автомашиналарнинг бехатар қатновини таъминлаган бўлсак, энди шахсан пахта йиғим-теримида иштирок ҳам этяпмиз, хашарчилар тушган автобусларнинг бехатар белгиланган жойга етиб боришини таъминлаётирмиз.

Туман ДАН бўлими пахта йиғим-терими мавсумига анча олдин тайёргарлик кўрган эди. Ҳар бир хўжаликнинг транспорт воситалари ва тракторлари мавсумга қанчалик шай эканлигини кўрикдан ўтказиб, гараж мудирлари ва трактор чилар билан суҳбатлар ўтказилди. Спиртли ичимлик ичиб, тракторларни бошқарган механизаторларга нисбатан қаттиқ чоралар кўриладиган бўлди. ДАН назоратчиларидан 12 киши хўжаликларда ишлаяпти. Улар ўз фаолиятлари тўғрисида ҳар куни ДАН қошида тузилган штабга ахборот берадилар. Булардан ташқари ташкил этилган 6 та кўчма патруль кеча-кундуз шаҳар ва қишлоқларда ҳаракат хавфсизлигини таъминламоқда. ДАН ходимларининг аралашуви билан пахта қабул қилиш пунктларида аввалги йиллардан фарқли тарзда механизаторларнинг олиб келган пахтасини топшириш учун узоқ вақт навбат кутиб қолиши каби воқеаларга чек қўйилди. ДАН ходимлари фурсатдан фойдаланиб, қабул пунктларига келган тракторларни кўрикдан ўтказиб, бузилган жойлари бўлса, тузатишга ёрдам ҳам бермоқдалар. Бундай иш юритиш эса ўз навбатида ҳосилни топширишни тезлатишга имкон беряпти.

— Биз ҳам пахтакормиз, деб айтишга тўла ҳаққимиз бор, — дейди Абдурасул Акмалов. — ДАН назоратчилари ўзларига топширилган бу вазифани сидқидилдан бажариб, пахтакор деган шарафли номни олганларидан беҳад мамнунлар.

Ҳа, бугун Бўка туманида ҳамма пахтакор. Йил — ўн икки ой тер тўкиб, меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирган деҳқонлар ҳам, энг долзарб палла—йиғим-терим мавсумида хашарга келиб, баҳоли-қудрат ёрдам бераётган шаҳарлик ишчи ва бинокорлар, шифокору-ўқитувчилар, қўйингчи, ота-онаси ёнида улардан орқада қолмай этак-этак ҳосил тераётган ўқувчи қиз ва болалар ҳам бугун пахтакор деган улуғ ва шарафли номга сазовор бўлишган. Мана шундай якдиллик бор экан, етиштирилган ҳосил ёғин-сочинли кунларга қолмай, албатта, саранжомлаб олинади. Бунга ҳамманинг ишончи комил.

Р.ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Барот Умаров номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Баҳром Раҳмонқулов (чапда) механизатор Ҳусан Жуманазаров ва бригада бошлиғи Деҳқонбой Жуманазаров билан. 2. Туман ДАН бўлими бошлиғи Абдурасул Акмалов Бўка пахта заводига ҳосил топширгани келган Барот Умаров номли жамоа хўжалиги механизатори Ислом Йўлдошев ва 122-автокорхонанинг хавфсизлик бўйича муҳандиси Шарифжон Маҳаматов билан йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида суҳбат ўтказяпти.

ҲОСИЛ — 95



• КУЗ кузлигини қиляпти. Ёғин-сочинли кунлар бошланиб қолди. Лекин далада ҳали ҳосил бор. Пискент туманидаги Дўстбеков номли жамоа хўжалиги деҳқонлари катта меҳнатлар эвазига етиштирилган бу ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш чораларини кўрмоқдалар. Улар 1373 гектар майдондан камида 29 центнердан ҳосил йиғиб олишга аҳд қилишган. Илғор жамоалар, механик-ҳайдовчилар ва теримчилар ҳар бир қулай кундан самарали фойдаланишга ҳаракат қилиб, умумий хирмоннинг юксалишига ҳисса қўшмоқдалар.

Суратда: жамоа хўжалиги раиси Бегимқул Дўстбеков (ўнгдан) 5-бригада (чапдан ўнгга) бошлиғи Ориф Раҳимов, механик ҳайдовчилардан Бахтиёр Худойбердиев, Ботир Исматовларни эришилган юқори кўрсаткич билан табрикламоқда.

А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

Шаҳарликлар далада

ҲАМКОРМИЗ, МАДАДКОРМИЗ

БУГУН ҳамма пахтакор ташвишига шерик. Куз ҳавоси беқарор бўлиб турган кунларда бу, айниқса, яққол сезилмоқда. Ор-номусли ҳар бир киши хоҳ у қишлоқда яшасин, хоҳ шаҳарлик бўлсин, виждон амри билан белига этак боғлаб, далада пахта термоқда. Бу йилги юксак «оқ олтин» хирмонини тезроқ тиклашдек хайрли ва савобли ишдан ҳеч ким четда тургани йўқ. Вилоят ҳокимлиги тасарруфидаги ташкилот ва идораларнинг неча минглаб ходимлари ҳам бугунги кунда ғайрат камарини белга боғлаб, пахтакорларимизга баҳоли қудрат кўмак бермоқдалар.

Биз вилоят ҳокимлиги ташкилотлари ва идоралари ходимларини пахта йиғим-теримига жалб этиш штаби бошлиғининг муовини Йўлдош Тешабоевни дала бошида учратиб, ёрдам қандай ташкил этилаётгани ҳақида сўрадик.

— Вилоятимизда 56 дан ортиқ ташкилот ва идоралар жойлашган, — деди И. Тешабоев. — Уларда жуда кўп одам меҳнат қилади. Мазкур ташкилотларнинг ходимлари 23 сентябрдан эътиборан Янгийўл туманидаги «Тинчлик» ва «Озод» жамоа хўжаликлари далаларига чиқиб, пахта термоқдалар, пахтакорларимизга етиштирилган мўл ҳосилни вақтида несибуд қилмай йиғиштириб олишда ёрдам бермоқдалар. Жумладан, вилоят алоқа бошқармаси, вилоят санитария-эпидемиология станцияси, соғлиқни сақлаш бўлими, «Ўзбекистон почтаси» ва бошқа қатор ташкилот ҳамда идоралардан кунига юзлаб киши далага чиқмоқда.

Дастлабки сарҳисобларга қараганда, шаҳардан ёрдамга чиққанлар кунда териб берган пахта 6—7 тонна тош босаётир. Шаҳарлик ҳашарчилар ўртасида давом этаётган меҳнат беллашувида вилоят алоқа бошқармаси вакиллари пешқадамлик қилишяпти. Уларнинг кунда хирмонга териб тўкаётган пахтаси киши бошига ўртача 31 килограммдан ошяпти. Кўпгина жамоаларда 50—100 килограммдан зиёд пахта тераётган илғор теримчилар ҳам бор. «Тинчлик» ва «Озод» жамоа хўжаликлари ҳозир йиллик маррани эгаллаш арафасида турган эканлар, бунда шаҳарлик ёрдамчиларнинг ҳиссаси ҳам бор.

Ёрдамчилар меҳнатини тўғри ташкил этиш яхши самара бермоқда. Махсус автобуслар хашарчиларни шаҳардан аввалдан белгилаб қўйилган даладаги иш жойига ўз вақтида етказиб қўймоқда. Ташкилотларнинг раҳбарлари ўз жамоаларига бош бўлиб хўжаликларга чиқаётганликлари ҳам меҳнатда унум ва суръатга ижобий таъсир қилмоқда.

Жойлардаги хўжаликларнинг раҳбарлари вазиятни тўғри ҳисобга олиб, шаҳарлик ҳашарчиларни хурсандчилик билан кутиб олишмоқда, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилмоқдалар. Мунтазам бепул овқат, чой ташкил этилмоқда. Ҳашарчилар тушлик дастурхонига мева-чевалар тортилмоқда. Туман маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ёрдамчилар ҳузурига тез-тез ташриф буюриб, мароқли концертлар билан чиқишмоқда.

Энг муҳими, хирмонлар тошу-тарозу ва транспорт воситалари билан тўла таъмин этилган. Ташкилотлар ўртасида уюштирилган мусобақага ҳар беш кунда якун ясалиб, ғолиблар хўжаликлар маъмурияти томонидан тегишлича тақдирланиб борилмоқда. Теримчилар терган пахтага ҳар беш кунда ҳақ тўланмоқда.

— Жамоамиз деҳқонлари шаҳарлик биродарларимиз ҳолис ёрдамидан беҳад миннатдорлар, — дейди «Тинчлик» жамоа хўжалигининг раиси З. Зоитов. — Ҳозирги ғанимат кунларда бу кўмак жуда-жуда асқотяпти. Маррага етай деб турибмиз. Далада эса ҳали пахтамиз кўп. Уни ерда қолдириб бўлмайди. Шу туфайли ҳам биз шаҳарликлар кўмагини юксак қадрлаймиз, уларга чин қалбимиздан раҳмат, деймиз.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

ШИФОКОРЛАР ҲИССАСИ

ҲАММАНИНГ ўрни пахтазорда бўлган шу долзарб кунларда вилоят физиотерапия шифохонасининг ходимлари ҳам белларига этак боғлаб А. Яссавий номли жамоа хўжалигининг далаларида пахта теришяпти.

— Пахтакорларимизга ҳамиша мададкормиз, — дейди бош шифокор ўринбосари Тошпўлат Сотволдиев. — Фақат пахта теримидагина эмас, ғўзани яганалаш ва биринчи чопиқдан чиқаришда ҳам фаол қатнашдик.

Дарҳақиқат, шу кунларда бош ҳамшира Катерина Ким бошлиқ 30 ходимдан ташкил топган гуруҳ аъзолари жамоа хўжалигининг 5-бригадасида етиштирилган мўл ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олишда баҳоли-қудрат пахтакорларга кўмак беришяпти. Шифохона ходимларидан Анифа Тўганова, Лариса Лигай, Меҳри Ильясова, Бибигул Қўрғонбоева, Сулухон Шегебаева, Гуля Сидиқова, Зарифа Мусуралиевалар кунда 60-70 килограммдан «оқ олтин» териб, кўпчиликка ибрат бўлмоқдалар. Шифокорлар жами ҳар куни жамоа хирмонига 1700-1800 килограмм пахта тўкиб, эл раҳматини олмоқдалар.

Н. ЖОЛДАСОВ,
Юқоричирчиқ тумани.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

• Япония ҳукумати Токио яқинидаги бандаргоҳларнинг бирида уч нафар россиялик денгизчини ҳибсга олди, деб хабар беради РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаси.

Япония хавфсизлик хизмати ходимлари уларда учта тўпончa ва ўқ-дори борлигини аниқлаган.

***

• Антарктидадаги Моусон базасида ишлайдиган Австрия фуқароси бу абадий музликлар минтақасидаги биринчи тартиббузар бўлса ажаб эмас. У бу ердаги иссиқхонада марихуана ўстирган. Экспедиция бошлиғи Жим Хасикнинг айтишича, тартиббузарни топиш унчалик ҳам қийин кечмаган. Чунки, станцияда бор-йўғи 18 киши ишлайди, холос.

***

• Ҳиндистон Қуролли кучлари вакилларининг йиғилишида мамлакат Бош вазири Нарасимха Рао АҚШ ҳукуматининг Покистонга қурол-яроғ сотиш ҳақидаги қарорига яна бир бор норозилик билдирди.

Нарасимха Рао АҚШ ҳукуматининг ушбу ҳаракати минтақадаги хавфсизликка салбий таъсир кўрсатишини таъкидлади.

***

• Япония Ташқи ишлар вазири Иохэй Коно Тайван Президентининг мамлакатга ташриф буюриш ниятига муносабат билдириб, айни пайтда бу ташрифга розилик бериш Япония ҳукумати учун фавқулодда қийин эканини маълум қилди.

РАТА—ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, мамлакат раҳбарияти бу ташриф Япония билан Хитой ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисобламоқда.

***

• Даккада Бангладеш, Туркманистон ва Эрон мамлакатлари расмий вакиллари амалга оширилажак ишлар тўғрисидаги протоколни имзолади. Ушбу ҳужжатга мувофиқ Бангладеш маҳсулотлари Эрон орқали Туркманистонга олиб келинади.

Протоколни Бангладеш савдо вазири Муҳаммад Шамсул Ислом, Туркманистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Мерет Урозов, Эрон Ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий имзоладилар.

***

• Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Ёсир Арафат мамлакатдаги Ҳамас ислом ҳаракатини келгуси йили Иордания дарёсининг ғарбий қирғоғига ва газо секторида ўтказиладиган умумий сайловларда қатнашишга таклиф қилди. Аммо, Ҳамас ҳаракати ушбу таклифни рад этди.

Ҳамас раҳбарлари Фаластин озодлик ташкилоти ҳамда Исроил ўртасида имзоланган битим Фаластин халқига ҳеч нарса бермаётгани каби, ушбу сайлов ҳам ижобий натижаларга олиб келмаслигини айтмоқда.

***

• Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Кремлда федерация таркибига кирувчи республикалар раҳбарлари билан учрашувда Чеченистон масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. У мамлакатда сиёсий тартиб ўрнатилиши кўп жиҳатдан Чеченистондаги воқеалар ривожига боғлиқ эканини таъкидлади.

Б. Ельцин, шунингдек, Чеченистон билан боғлиқ муаммолар тинч йўл билан ҳал қилинажагини айтди.

***

• Италиядаги «Яшиллар» ҳаракати фаоллари мамлакатга ташриф буюрган ХХР давлат кенгаши раҳбари Ли Пенни «Хитойда ядро синовлари тўхтатилсин!», «Хитой маҳсулотларини сотиб олишни тўхтатишни талаб қиламиз!» каби шиорлар билан кутиб олдилар. Шунингдек, улар шу йилнинг 21 октябрида мамлакатда Франция ва Хитойнинг ядро синовларига қарши миллий норозилик куни ўтказилажагини маълум қилдилар.

***

• Покистондаги «Муҳожирлар миллий ҳаракати» номли мухолиф партиясининг кўзга кўринган вакили Алтаф Ҳусайн Карочи шаҳридаги сиёсий тангликни тинч йўл билан бартараф этишда БМТ раҳбарини воситачилик қилишга чақирди. У Бутрос Ғолийга мактуб йўллаб, мамлакатдаги муҳожирларга қилинаётган тазйиқларга барҳам беришда БМТ ташаббус кўрсатиши кераклигини айтган.

(ЎзА).

ТАБАРРУК ИНСОН



ОДАТДА эътибор берган бўлсангиз, табаррук инсонларнинг истараси иссиқ бўлади. Юз-кўзларидан нур ёғилиб туради. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, улар бутун ҳаётлари давомида астойдил меҳнат қиладилар, инсонларга фақат яхшиликни раво кўришни ўз бурчлари деб биладилар. Энг муҳими оила тебратиш, рўзғор тутиш, ўғил-қиз ўстириш, уларни эл иши учун фидойи кишилар қилиб тарбиялашда бошқаларга ибрат бўладилар. Дўст-ёрларига садоқатли, мурувватли, меҳр-оқибат кўрсатадилар.

Толибжон ота Орипов ҳам ана шундай улуғ бахтга муяссар бўлган инсонлардандир. У ота-онасидан анча барвақт етим қолди. Лекин ўз олдига аниқ мақсад қўйди. Мен илмли, маърифатли бўлиб етишишим, илмдан бошқаларни айниқса, ўзимга ўхшаган камбағалларни, етим-есирларни кўпроқ бахраманд қилишим керак, деган ниятни кўнглига тугди. Барвақт саводини чиқарди. Ёш Толибжон аввал мактабда, кейин туман халқ маорифи бўлимида нозир бўлиб ишлади. Қирариқ қишлоғидаги мактабда муаллимлик қилиб, бошланғич синфларга сабоқ берди.

Ўша пайтда Толибжонга ўхшаган иқтидорли, саводхон ёшлар кам эди. Республика халқ маорифи вазирлиги уни Жиззах вилоятига ишга юборди. Фориш, кейинчалик эса Хатирчи туманларида астойдил фаолият кўрсатди. Ўқитувчилик қилди, илмий бўлим мудири бўлди. Бироз вақт мактабга директорлик қилди. У болаларни жон дилдан севарди. Шунинг учун ҳам унинг асосий иш вақти бошланғич синф болаларига сабоқ бериш билан ўтарди. Ота эслайди.

— Навқирон эканмиз, чарчаш нималигини билмасдик. Вақт топиб, юқори синфларга математикадан ҳам дарс берардим. Кечқурунлари эса чаласаводларни ўқитиш билан банд бўлардим.

Ўзининг одоби, муомаласи, ширинсуҳанлиги билан эл-юртда обрў-эътибор қозонган Толибжон қишлоқнинг энг ҳурматли, ардоқли кишисига айланди. Ҳамма уни «домла, муаллим» деб ҳурмат қиларди. Қаерга борса, уйнинг тўри Толибжонники эди. Лекин, у ортиқча хаҳ-ҳавасларга ружу қилмади. Мақтовларга учмади. Ўз эътиқодига содиқ қолди. Эътиқоди эса жуда оддий эди. «Сен ҳали ёшсан, ўсишинг, улғайишинг керак, халқингга, элу юртингга кўп хизмат қилишинг даркор. Қадамингни билиб бос, ҳовлиқма, ўзингдан кетиб қолма. Агар билсанг, ҳамманинг кўзи сенда...» Шу орада машъум уруш бошланиб қолди. Ўқитувчиларга урушга бормасликлари учун имтиёз берилган эди. Лекин, у тенгқурларидан ажралиб, қишлоқда қолишни ўзига ор деб билди. Ҳарбий комиссариатдан уни урушга юборишларини илтимос қилди. Илтимоси қондирилди. Толибжон урушнинг охирги кунларигача сафда бўлиб, ғалабани таъминлашга ҳиссасини қўшди. Урушдан қайтгач эса, Тошкент туманидаги ўз қишлоғида севган касбини давом эттирди.

Пиру-бадавлатларимиз

Толибжон Ориповнинг хизматларини муносиб тақдирладилар. У орден ва медаллар билан мукофотланди. Ўз вақтида туман раҳбарияти томонидан «ГАЗ-24» енгил машинаси билан мукофотланди. «Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси» деган унвонни олди. Фаолияти давомида кўплаб шогирдлар тайёрлади. Айни кунларда улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишяпти.

Шахсий нафақахўр Толибжон ота моҳир педагог бўлибгина қолмай, уста боғбон сифатида ҳам донг таратди. У хўжаликдан ер сўраб олиб, тўнғич ўғли, уруш қатнашчиси Исоқжон билан биргаликда боғ яратди. Уста соҳибкор сифатида донг таратди.

Толибжон ота ҳақли равишда табаррук инсон сифатида ҳамма учун азиз ва ардоқлидир. У 8 фарзандининг падари-бузруквори, юздан ортиқ невара, чевара, эвараларнинг бобосидир. Маҳмуджон ва Ғуломжон хизматчи, Суннат тиббий ходим, Аъзамжон уста деҳқон. Қизларидан Зуҳра Қаҳрамон она, Заҳро уста пиллакор. Уларнинг ҳаммаси ували-жували, яшаш жойида, маҳалла-кўйда обрў-эътибор топган оила бошлиқларидир.

Айтишадики, кимки ўзи танлаган касбини севса, эъзозласа, ундан маънавий қониқиш ҳосил этса, бундай одамнинг умри узоқ бўлади. Бундай одамлар ҳаётнинг аччиқ-чучукларини сабр-бардош билан енгиб, ўз кўзлаган манзиллари сари дадил борадилар. Ҳаётдан, қийинчиликлардан ҳеч вақт нолимайдилар. Аксинча, ўз тажрибалари, маҳоратларини ишга солиб, уни енгадилар. 95 ёшини нишонлаган Толибжон ота Орипов ҳақида ўйлаганда беихтиёр ана шу фикрлар ёдга келади.

Ота ҳозир ҳам тетик ва бардам. Ўзи истиқомат этаётган Собир Раҳимов туманидаги Рўзи Ашуров маҳалласида жамоатчи-фаоллардан. У қаерда бўлмасин, тўй-ҳашамдами, маъракадами ёшлар билан учрашганда уларга бир нарсани уқтиради:

— Вақтнинг қадрига етинг. Мана ҳозир орзу қилган дамлар келди. Ҳар биринг мустақилликни мустаҳкамлашга амалий меҳнатингиз билан ҳисса қўшинг...

«Оталар сўзи, ақлнинг кўзи» деганларидек, ёшлар бу ўгитларга амал қилиб, кексалардан маслаҳат олиб, меҳнат қилишларига ишончимиз комил. Қариси бор уйнинг париси бор, деганлари шу бўлса керак-да...

Н. РИХСИЕВ.

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

1995 йил 18 октябрь • № 82 (10.758)

ХОЖИАКБАР
Ислом Шайх

ТУТАШ ОЛАМЛАР

(Мистик-фантастик романдан парча)

Таниқли ёзувчи Хожиакбар Ислом Шайх ўзининг қатор фантастик асарлари билан мухлислар эътиборини қозонган адиблардан. У айни пайтда кўпчилик учун севимли бўлиб қолган «Сирли олам» ойномасига муҳаррирлик қилмоқда.

Шу кунларда адибнинг «Туташ оламлар» деб номланган янги мистик-фантастик романи «Ёзувчи» нашриётида китобга тайёрланаётир. Қуйида ана шу асардан бир парча эълон қилинмоқда.

ХУДДИ шу аснода ердан чиқдими, осмондан тушдими, айтиш қийин, Асаднинг қошида қора костюм, қора бўйинбоғли, чап қоши худди тортишиб қолгандек чимирилган хушкомат бир йигит пайдо бўлиб, сўл қўлини эшик тарафга бир силкитган эди, тирбанд одамлар орасида ўзўзидан йўлак очилиб, у орқали хонага бирин-кетин ҳакимлар кириб келишди. Йигитнинг чеҳраси Асадга жуда-жуда таниш эди. Уни илгари қаерда кўрган ўзи?..

Қора костюмли кимса дўхтирларга Назира томон ишора қилиб, амирона оҳангда буюрди:

— Олиб чиқинглар уни! Фақат эҳтиёт бўлинглар, девдай кучи бор!...

Бирдан сергак тортган Асад ўзини қизи тарафга отди. Лекин, қизини ҳимоя қилишга улгурмади. Темирдай қаттиқ панжа унинг ўнг билагидан ушлаб, қўққис тўхтатди.

— Ийе, Асаджон! Сиз ҳам шу ердамидингиз? Сизни дарров танимаганимни қаранг-а!..

Асад кескин ўгирилиб, қора костюмли қоши чимирилган йигитнинг пешонаси пешонасига теккудай ўзига тикилиб турганини кўрди-ю, ноҳос устидан кимдир совуқ сув пуркагандай сесканиб кетди. Унинг қисиқ кўзларида аллақандай ёвуз бир ифода бор эди. Шу заҳоти хотираси тиниқлашди. Ахир, бу — ўша машъум тушида кўрган Коинотдаги жами «муҳолиф» кучлар раҳнамоси-ку! Ўшанда Ер юзидаги жами динларга қарши роса ваъзхонлик қилган кимса худди шу одам эдида!..

— Камина шаҳар маориф бўлимининг янги мудири Хўжакўрсинов жаноблариДурман, — деди у вазмин оҳангда гапиришга уриниб, аммо «портлаш»дан сал бери ғазабини зўрға жиловлаб турганини чақчайган қисиқ кўзларидан пайқаш қийин эмас эди. — Қизингизни олиб кетишларига халақит берманг! У даволаниши керак! — қўшимча қилди у яна ўша амирона оҳангда.

— Бўлмаган гап! — бўғилиб бақирди Асад юлқиниб унинг панжалари орасидан чиқишга уринаркан. — Қизим соппа-соғ!..

— Қизишманг, иним! Қизингиз шизофрения касалига чалинган. Ишонмасангиз, ана, истаган муаллими ёки дўхтирдан сўранг!..

Худди шу дамда олов-тасмадан қутулиб, ўзига келган мактаб бошқони гавдасига ярашмаган бесўнақай ҳаракат билан ирғиб ўрнидан турди-да:

— Ҳа-ҳа! У жинни бўлиб қолибди! Ғирт жинни!.. — дея бақирганча янги маориф бўлими мудирининг истиқболига интилди. Кейин қўл қовуштириб унга таъзим қиларкан, тилёғламалик билан мулозимат қилди: — Ассалому алайкум, тақсир! Сиз билан танишганимдан бағоят хурсандман! Жуда вақтида етиб келдингиз...

Қора костюмли кимса унга нафрат билан нигоҳ ташларкан:

— Сизга нима бўлди ўзи? Афти-башарангизни қаранг! — деди ижирғаниб. — Боринг, кийим-бошингизни алмаштиринг!..

Бошқа муаллимлар ҳам бир пасда «маориф бўлими мудири»нинг атрофида гирдикапалак бўлиб қолишди.

— Рост, тақсир! У шунақанги номаъқулчиликлар қилдики!..

— Лаънати, бутун мактабни остин-устун қилиб юбораёздия!

«Одамлар ҳам ўлгудай сотқинтабиат бўлиб кетишган-да, — ҳаёлидан ўтказди Асад ҳафақон кайфиятда. — Биттагина ярим сал амалдорроқ одамни кўришса, бўлди, бир юз саксон даражага ўзгариб кетишади».

Хонада ғала-ғовур тобора авжига минар, ҳаяжон ва ҳайратга тушган одамларнинг оғзидан ади кириб-бади чиқарди:

— У — ғирт жодугар-ку!?

— Жувонмаргни яхшилаб бойланглар!..

— Жаззасини бериш керак!

— Кўзларини ҳам бойланглар! Кўзида гап кўп унинг...

— Ў, чақчаймай ўл!..

Бу гаплардан Асаднинг қони қайнаб, жунбушга келаркан, негадир худди сеҳрлангандай жойида қотиб турар, қимирлагани ҳоли йўқ эди. Унга нима бўлди ўзи? Жонидан азиз кўрган жигаргўшасини худди қўйдай оёқ-қўлини боғлаб, судраб кетишаётса-ю, ота бўлмиш гўрсўхта мурдадай тош қотиб, қилт этолмаса?!

Асад боши айланиб, кўзи тина бошлаганини пайқади. У аллақандай тубсиз жарликка қараб, учиб кетаётгандай эди. «Нима бало, яна туш кўраяпманми?» — дея ғира-шира ҳаёлидан ўтказаркан, онги тим қоронғулик уммонига шўнғиди...

Ўзига келганида, мактаб дарвозаси яқинидаги қоровулхона супасида болишга бош қўйиб ётганини пайқади. Хотираси бирдан тикланиб, ўрнидан турмоқчи бўлган эди, тепасида ўтирган чуст дўппили мўйсафид қўлини кўксига қўйиб, таскин берувчи оҳангда: — Яна пича ёта туринг, ўғлим. Қимирламанг, — деди. Бу — ўша, мактабда намоз ўқиган учун ишдан ҳайдалиб, яна қайта тикланган қоровул бува эди.

Асад боши ғувуллаб оғриётганига қарамай, ортиқ ётолмади. Ўрнидан туриб ўтираркан, митти дераза орқали ташқарига қаради. Мактаб ҳовлисида на ўт ўчириш машинаси, на «тез ёрдам» кўринарди. Чамаси, тўстўполон аллақачон тугаб, бинога кираверишда давра қуриб турган беш-олти юқори синф ўқувчиси ҳаяжон ичида яқиндагина бўлиб ўтган антиқа воқеаларни муҳокама қилишаётган эди.

— Ҳафа бўлманг, ўғлим, — деди чуст дўппили мўйсафид ҳамдардлик билан унга пахта гулли пиёлада чой узатаркан. — Ҳаётда ҳамма нарса бўлади. Одамзотнинг пешонасига нима ёзилган бўлса, шундан қочиб қутулиб бўлмас экан...

Асад отахонга савол назари билан тикиларкан, ўзини хўнграб йиғлаб юборишдан зўрға тийиб:

— Қизим... — дея аранг оғзини қимирлатган эди, мўйсафид унинг елкасига қўлини қўйди.

— Бардам бўлинг, ўғлим. Қизингизни касалхонага олиб кетишди.

Асад кўнгли ўксиб: «Худога минг қатла шукрки, ҳалиям пок кўнгилли одамларимиз йўқ эмас», — дея ҳаёлидан кечираркан, секин ўрнидан турди. Нафасини ростлаш учунми, бошини қуйи солганча пича тин олгач:

— Раҳмат сизга, отахон! Ҳамиша соғ бўлинг! — дея ташқарига йўналди.

У руҳан обдон эзилиб кетганиданми, аранг қадам ташлаб дарвозадан чиқиши билан хавотирли қиёфада икки қизини етаклаб келаётган отасига кўзи тушди. Шу заҳоти кўнглини ғашлик ва ғулғула қоплади. «Уларга нима дейман энди? Шундоқ бурнимнинг остидан қизимни касалхонага жўнатдириб юбордим, дейманми?! Минг лаънат!..»

Айбдор қиёфада бошини қуйи солганча истар-истамас отаси ва қизлари истиқболига қараб юрди.

Улар юзма-юз келишлари билан Асад отасининг кўксига бошини қўйиб, ҳўнг тушиб, йиғлаб юборди.

— Ўзингизни босинг, ўғлим, — деди Бахром Шайх ота унинг елкасига кафтини қўяркан, овози титраб. — Ҳамма гапдан хабарим бор. Бўлар иш бўлибди. Иншаолло, соғ-саломат экансиз. Энди Назирахонни олиб чиқишнинг ҳаракатини қилишимиз керак.

— Албатта олиб чиқамиз, дода! — деди Асад бирдан қаддини ростлаб. — Шу бугуноқ олиб чиқамиз!..

Шу пайт негадир саврдай қадди-қомати мўйсафидлардек мункиллаб қолган кенжа қизи Нафиса гапга аралашди.

— Назирапамни бугун олиб чиқолмаймиз, дадажон. Уни ҳозир эмлаб, ухлатиб қўйишган. Сешанба куни соат ўн иккидагина биз уни уйга қайтариб келишимиз мумкин.

Асад «ялт» этиб кенжа қизига қаради.

— Сен буни қаёқдан биласан?

— Катта бувам аён бердилар.

— Бувангни қаерда кўрдинг?

— Боя пешинга яқин синфимизга кирдилар. Тўғри, улар фақат менга кўриниш бердилар, бошқалар пайқашмади.

— Буванг яна нима дедилар?

— Назирани бугун касалхонага ётқизишларини, лекин, бундан хавотир олмаслигимиз кераклигини уқдирдилар. Уни яқин кунларда бу маломатлардан ўзим қутқараман, дедилар. Шундан кейин мен ўзимни Тилла Шайх буваман деб ўйлай бошладим. Қалай, бувамга ўхшайманми? — Нафиса шундай деб, худди соқолини силаётгандай даҳани остидаги бўшлиқни пайпаслаб қўйди. Асад шундагина қизидаги ғалати ўзгаришни пайқади. «Ёпирай! Энди шу кўргулик етмай турувди ўзи!?»

Баҳром Шайх ота ўғлига изтироб билан маъноли тикиларкан, кўзлари жиққа ёшга тўла эди.

— Мен энди катта буваман, қизларнинг кўйлагида юришим ярашмайди, менга яхтак кўйлак билан чопон беринглар, десам, бувам кўнмадилар.

Асаднинг ҳам беихтиёр кўзларига ёш қалқиб, Нафисани бағрига босаркан:

— Буванг тўғри қилибдилар, оппоғим. Сен, ахир, менинг энг севикли қизим Нафисасан-ку, тўғрими?

— Ҳа, дадажон, лекин...

Энди гапга шоша-пиша Баҳром Шайх ота аралашди.

— Ҳеч қанақа локин-покини йўқ, бас қил, она қизим!

Энди ҳаммамиз касалхонага, Назирани кўргани боramиз.

— Кетдик! — деди Асад иккала қизининг елкасидан қучоқлаб уйга бошларкан. Кутилмаганда унинг кўзларида ғазаб ўтлари чақнади.

— Назирахонни, албатта, кўргани борамиз! Лекин, унгача менинг яна бир ишим бор...

Уларга эргашган Баҳром Шайх отанинг нуроний чеҳрасида яна хавотир ифодаси балқиди:

— Қанақа иш, ўғлим?

— Бир иблисдан ўчимни олишим керак. Ҳаммасига ўша сабабчи. Сизга айтмагандим чоғи, уни тунов куни тушимда кўрувдим. Шаҳар маориф бўлимининг мудири бўлиб ишларкан.

Баҳром Шайх ота чуқур хўрсиниб, сукутга ботди. Чамаси, у ҳозир жаҳл-жаҳолат отига минган ўғлига ҳеч қандай гап кор қилмаслигини англаган эди.

Асад уйга киришлари билан уларни ташвиш ва саросимада кутиб олган онаси билан хотинига лом-мим демай, телефонга ёпишди. «09» ни териб, шаҳар маориф бўлимининг телефон рақамини ёзиб олди-да ўша ташкилотга сим қоқди. Унга Хўжакўрсинов деган одам ҳеч қачон ишламаганлигини, бу муассасага қарийб ўн йилдан бери Нозима Иброҳимова исмли опа раҳбарлик қилиб келаётганини маълум қилишди.

«Вой, лаънати-ей!» ҳаёлидан ўтказди Асад тишини тишига босиб. — Ҳаммани лақиллатибди-да?! Лекин ким ўзи бу... иблис?..»

СПОРТСПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**

ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗ САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Дзю-до

КУНИ КЕЧА вилоятимизнинг яна икки вакили — чирчиқлик дзю-дочилар Андрей Штурбабин ва Дмитрий Соловьевлар келаси йил Атлантада ўтадиган олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритдилар. Бу икки спортчи Токионинг «Эвент Халл» спорт саройида дзю-до бўйича жаҳон чемпионати мусобақаларида муваффақиятли қатнашдилар. Японияга дунёнинг 103 мамлакатидан 1,5 мингдан зиёд спортчи келди. Ана шундай йирик мусобақада ҳар бир вазнда дастлабки 8 та ўринни эгаллаган спортчилар олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқига ҳам эга бўлдилар. Чирчиқлик Андрей Штурбабин 71 килограммгача вазнлилар бахсида даврага чиқди. У Б. Малинский (Исроил), М. Шмит (Германия), Г. Модибазде (Грузия)ларни мағлубиятга учратиб, кореялик Д. Квекка ютқазди. 95 килограммгача вазнлилар баҳсида қатнашган Дмитрий Соловьев жами 6 учрашув ўтказиб 4 тасида устун келди. У Д. Говинг (Янги Зелландия), Н. Судар (Индонезия), В. Петек (Словакия), Р. Стивенс (Буюк Британия)лар устидан соф ғалабага эришиб ҳал қилувчи баҳсларда польшалик Р. Настула ва франциялик С. Тренига ютқазиб умумий бешинчи ўринни эгаллади.

ЯНА ДОВОН ОШДИ

Шоҳмот

ИҚТИДОРЛИ 16 ёшли тошкентлик шоҳмотчи Рустам Қосимжонов Германиянинг Галле шаҳрида ёшлар ўртасида жаҳон биринчилигида қатнашиб, яна довон ошди ва халқаро миқёсдаги спорт устаси талабини бажарди. У 71 мамлакатдан келган 80 шоҳмотчи иштирок этган бу беллашувда ўз олдига қўйган мақсадни бажара олди. Шоҳмотчимизнинг айниқса чемпионат ғолиблари бўлган халқаро гроссмейстер А. Онишчук (Украина) устидан ғалабаси, халқаро миқёсдаги спорт устаси Р. Слободян (Германия) билан дуранги эътиборга лойиқдир.

ДУРАНГ КИМНИНГ ФОЙДАСИГА?

Футбол

ҒАЛАБА ҳар иккала жамоанинг пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлар, аксинча мағлубият олтин медалларга бўлган имкониятни бирмунча чегараларди. Авалги турда «Пахтакор»дан 0:3 ҳисобида мағлубиятга учраган «Нефтчи»нинг чемпионлик учун имкониятлари МСҲК ва «Навбаҳор» билан деярли тенглашиб қолди. Дам олиш куни Тошкентда ўтказилган МСҲК — «Нефтчи» ўйинини мухлислар ниҳоятда кескин ва қизиқарли ўтса керак деб кутгандилар. Лекин бундай бўлмади. Учрашув суст ўтди. 90 минут давомида ҳар иккала жамоа ҳужумчилари эсда қоларли ўйин кўрсата олмадилар. Натижасиз бу дурангдан сўнг ўйинсиз уч очкога эга бўлган Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси пешқадам бўлиб олди. Наманганликларнинг бу турдаги рақиби Бухоронинг «Нурафшон» жамоаси эди. Бугунгача медалларга даъвогарлар аҳволи қуйидагича: «Навбаҳор» — 66 очко. МСҲК — 65 очко. «Нефтчи» — 64 очко. Фарғоналик футболчилар рақибларига қараганда бир ўйин кам ўтказишган. Энди мухлислар 21 октябрда Фарғонада бўладиган «Нефтчи» — «Навбаҳор» ўйинига умид боғлашмоқда. Мазкур учрашув маълум маънода жумбоқни ечишда ойдинлик киритса ажаб эмас.

Шанба куни бўлиб ўтган 27-тур ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: АСК — «Динамо» — 0:0; «Трактор» — «Наврўз» — 2:1, «Пахтакор» — «Янгиер» — 4:0, «Политотдел» — «Атласчи» — 1:0. «Суғдиёна» — «Чирчиқ» — 1:1, Темирйўлчи» — «Машъал» — 0:0, «Навбаҳор» — «Нурафшон» — 3:0.

«Чирчиқ» футболчилари қолган учрашувлар натижасидан қатъий назар олий табақа билан ҳайрлашадиган бўлишди. Қолган иккинчи омадсиз жамоа ким бўларкин? «Машъал» ҳисобида 26 очко, «Темирйўлчи» футболчиларида 21 очко бор. Ана шу икки жамоа ўртасида ҳам олий табақадан чиқиб кетмаслик учун ўзаро кураш кетяпти.

***

БИРИНЧИ табақа жамоалари ўртасида финал учрашувлар давом этмоқда. Ургенчнинг «Динамо» футболчилари «Кушон» жамоасини қабул қилишиб, 2:0 ҳисобида устун келдилар ва даъвогарлар баҳсида биринчи ўринга чиқиб олишди. Навоийнинг «Зарафшон» жамоаси Тошкентнинг «Чилонзор» клубини қабул қилиб 1:0 ҳисобида ғолиб келди. Вилоятимиз вакиллари бу турда сафарда ўйнадилар. «Ғазалкент» Қарши шаҳрида «Насаф» меҳмони бўлди. Учрашув ниҳоятда кескин ўтиб 4:4 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Қибрайнинг «Маданият» футболчилари Шўрчида «Тегирмончи» меҳмони бўлиб 0:1 ҳисобида енгилдилар.

ҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

БЎКА туманидаги Йўлдош Хожиматов номли жамоа хўжалиги бошқаруви хўжалик худудидаги қишлоқларни газлаштириш учун катта иш олиб боряпти. Яқинда Чиғатой қишлоғига ва Бойтўпи маҳалласига олти километрли ўрта ва кичик босимли газ қувурлари тортиб келинди. Чиғатой қишлоғида юзтадан зиёд, Бойтўпи маҳалласида эса 75 хонадонда табиий газ ёна бошлади. Мусқарабоғ, Оқбалиқ, Ёматома, О. Жўраев номли қишлоқларга ҳам қувур тортилмоқда. Шу йил охиригача бу қишлоқларнинг хонадонларига ҳам табиий газ боради.

Р. ҚОДИРОВ.

Ёқа ушлайсиз...

ЧЎККАН КЕМА АСИРЛАРИ

Бу кема экипажининг 14 аъзоси сув остида ўн йил яшаганлар. Чет элда чиқадиган бир неча матбуот нашрларида ана шундай хабар босилди.

АФРИКА қитъасидаги Фил суяги қирғоғи яқинида денгизнинг унчалик чуқур бўлмаган жойида ғаввослар чўккан кемада тирик жонлар борлиги ҳақида хабар беришганида маҳаллий ҳокимият бунга ишонмади. Негаки, кема 1985 йилнинг 23 июнида чўкиб кетган ва 14 нафар денгизчининг ҳалок бўлгани рўйхатга киритилган эди-да. Мутахассислар кеманинг остки қисмида ҳаво сақланиб қолганлиги ва денгизчилар 10 йил мобайнида шу ҳаводан нафас олганликларини ҳатто тасаввур ҳам қилолмасдилар. Улар шунингдек, кемада етарли миқдорда консерва ва ичимлик суви борлигини ҳам билмасдилар.

— Бу кишиларни қутқаришнинг ўзи ҳақиқий мўъжиза бўлди, — Гранд Бассам (Фил суяги қирғоғи) денгиз бошқармаси вакили Л. Парине журналистларга баёнот бераркан деди. — Улар кема тубига қамалиб қолиб, у ердан чиқолмаганлар. Гарчи денгиз унчалик чуқур бўлмаса ҳам, уларда юқорига сузиб чиқиш имконияти бўлмаган.

Теплоход ҳақиқий сув ости батискафига айланган. Сув ости асирлари учун вақт ҳам ўз аҳамиятини йўқотиб қўйган эди. Ғоввослар улар ҳақида денгиз бошқармасига хабар бергач ичкарига сузиб кириб, у ерда бир гуруҳ ақлдан озган кишиларга дуч келишган.

14 нафар сув ости асирлари юқорига олиб чиқилди. Қоқ суякка айланган денгизчилар руҳий касалликка чалинган эдилар. 11 денгизчини шифохонанинг махсус бўлимига, уч нафарини эса руҳий касалликлар шифохонасига ётқизишга тўғри келди. Кема остига биринчи бўлиб шўнғиган ғаввос Амадоу Валли мухбирларга қоқ суяк бўлиб қолган денгизчиларга кўзи тушиб ваҳимада қолганлигини гапириб берди. Улар билан гаплашмоқчи бўлганимда бирортаси ҳам сўзлолмади, — деди у. — Мен фақат хириллаган, увлаган ва инграган товушларни эшитдим, холос. Улар ҳатто бир-бирлари билан ҳам гаплашолмас эдилар».

Шифокорлар ҳам қутқарилган денгизчиларни тилга киритолмадилар. Балки узоқ давом этадиган муолажадан кейингина сув ости асирлари ўзларига келиб қолишар...



Куз.

Х. СОЛИХОВ сурат-лавҳаси.

Бу қизиқ

2,7 КИЛОГРАММЛИ БОДРИНГ

Свердловск вилоятидаги Красноуфимск шаҳрида истиқомат қилувчи Поревалов оиласи иссиқхонада етиштирилган бодринглардан бирининг узунлигини қизиқиб ўлчаб кўришган эди, у салкам бир метр-83 сантиметрни ташкил этди. Вазни эса 2,7 килограммлик тош босди. Бодринг шу қадар катта бўлишига қарамай ўзининг барча сифатларини сақлаб қолган эди.

ИТБАЛИҚЛАР ЖОНИГА АРО КИРДИ

48 ЁШЛИ япон алпинисти Кенши Сакамото Ўрта Япониядаги тоғларда саккиз кун дом-дараксиз йўқолиб кетди. У шу тоғдаги Мисен чўққисига чиққан эди. Шунча кун ўтишига қарамай изловчилар уни соппа-соғ ҳолда учратдилар.

— Тўртинчи куни ўзимни ниҳоятда ёмон ҳис қилиб, ўлиб қолсам керак, деб ўйладим, — дейди алпинист. — Итбалиқлар жонимни сақлаб қолди. Адашиб қолганимнинг иккинчи куниёқ уларни танаввул қилабошладим, ейиш учун бошқа озуқа бўлмагач шунга мажбур бўлдим.

Бедарак йўқолган алпинистни тоғлардаги дарахтларга ёпиштириб кетган ёзувлари бўйича топиб олдилар.

Ўқинг — фойдали

ЭҲТИЁТ БЎЛГАН ЯХШИ

● Қоғозида кўрсатилган муддати ўтиб кетган дорини ичманг.

Негаки, бундай дорининг фойдадан кўра зарари кўпроқ бўлади.

● Ранги ўзгарган суюқ дори ва ҳапдорилар истеъмол қилишга яроқсиздир.

● Ўткир ҳидли дори ва ўтларни бошқа дорилардан ажратиб сақлаган маъқул.

● Тез бузиладиган дори-дармонларни совутгич (холодильник)ларда сақлаш лозим. Уларнинг ранги ўзгаргани, бадбўй ҳид таратаётгани бузила бошлаганидан далолатдир.

● Спиртли дамламаларни тиқинли шишачаларда сақланг. Негаки, спирт оғзи очиқ ёки яхши бекитилмаган шишадан учиб кетиб, дамламанинг сифати бузилади.

● Дори қайнатилган илиқ сув билан ичилади. Чой, кофе, минерал сув ва шарбатлар унинг фойдали хусусиятларини сусайтиради, баъзи ҳолларда эса организмга салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

● Агар шифокор дорини «овқатдан олдин ичишни» тавсия қилган бўлса, уни овқатланишга ўтирмасдан 15 минут олдин, «овқатдан сўнг» деб айтган бўлса, овқатланиб бўлгач 15 минут ўтказиб ичиш керак. Агар «наҳорда» ичиш лозим бўлса, уни нотуштадан 20—40 минут олдин истеъмол қилган маъқул.

● Уйқу дорини ухлашдан ярим соат олдин ичиш лозим. Шунда унинг самараси кўпроқ бўлади.

● Овқат ҳазм қилишни яхшилайдиган дориворлар овқат вақтида ичилади. Уни албатта яхшилаб чайнаш зарур.

● «Тил тагига ташланадиган» дорилар эриб-сўрилиб кетгунича тил остида сақланади.

● Валидол ёки нитроглицерин белгиланган миқдорда бир бўлак оққандга томизиб батамом эриб кетгунча тил тагида сақланади.

(Ушбу маслаҳатлар «Дайне гезундхайт» журналининг сўнгги сонидан олинди).

ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

мактаб ўқувчиларининг кузги каникул кунларида 2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

ДАСТУРДА: акробатлар, гимнастикачилар, жанглёрлар, эквилибристлар, ҳаво гимнастикачилари, ҳинд йоги ва ўргатилган ҳайвонларнинг чиқишлари.

МАСХАРАБОЗЛАР ГУРУҲИ ДОИМО ХИЗМАТИНГИЗДА.

ТОМОШАЛАР:

4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12 ноябрь кунлари соат 12.00 ва 15.00 да

БОШЛАНАДИ.

Олдиндан чипта сотиш кассаси очиқ.

Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Маълумот учун телефонлар: 44-29-04, 44-35-81.

ФИРМА

32Ох 508 автошиналар, полиэтилен плёнкалар, «Нева-5» тўқув машиналарини

СОТАДИ

ПБД грануллларини

СОТИБ ОЛАДИ

Телефонлар:

77-03-40, 77-92-45, 77-92-71.

Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент вилояти бўлими жамоаси марказнинг Паркент тумани бўлимининг масъул ташкилотчиси Р.Йўлдошевга волидаси

Азиза РАСУЛОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0439. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.00. 1 2 3 4 5 6